Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 25 март 1969 йил, сешанба • № 71 (14.234). • Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ, ФОРИШ РАЙОНИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Сирдарё область, Фориш райони чорвадорларининг социалистик мажбуриятларини қараб чиқди ва уларнинг ташаббусини маъқуллади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область ва район партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари, касаба союз ва комсомол органлари зиммасига форишликларнинг социалистик мажбуриятларини барча хўжаликларда кенг муҳокама қилишни ташкил этиш ва шу асосда 1969 йил ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари бажариш ҳамда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш мажбуриятини юклади.

Республика газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетига чорвадорлар мусобақасининг борши ҳақидаги материалларни мунтазам ёритиб бориш топширилди.

ФОРИШЛИКЛАР ТАШАББУСИ

Сирдарё областидаги Фориш райони чорвадорларининг 1969 йил учун олган социалистик мажбуриятлари

Қаттиқ совуқ бўлганлиги ва кўп қор ёққанлиги сабабли бу йилги қишлов қийин бўлди. Шунга қарамай чўпонлар партия ва ҳукумат кўрсатаётган жуда катта ёрдамга таяниб, юксак маҳорат ва қаҳрамонлик кўрсатиб, қўйларни омон сақлаб қолдилар, табиий офат билан олишувда голиб келдилар.

Баҳор бошланди. Районимиз чорвадорлари беш йилликнинг тўртинчи йили планларини бажариш, мамлакатга кўпроқ гўшт, сут, қорақўл тери, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қатъий қарор қилганлар.

Барча совхозларда, бўлимларда, фермаларда ва чўпонлар бригадаларида 1969 йилда ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришиш ва беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олмоқда.

Район хўжаликлари ўз олдиларига қуйидаги вазифаларни қўйдилар:

қўзилатиш кампаниясини муваффақиятли тугаллаш ва ҳар 100 бош совлиқдан камида 130 тадан ёки пландагига нисбатан 23 та кўп қўзи олиш;

барча уруғчи қўзиларни ўстиришга қолдириш ва олинган қўзиларнинг ҳаммасини сақлаб қолиш ҳисобига қўйлар туёғини кўпайтириш. Биз битта бўлса ҳам уруғчи қўзини тери олиш учун сўйишни қорақўлчиликка катта зарар етказиш деб баҳолаймиз ва барча чорвадорларни қўзилатиш кампаниясини ҳар бир уруғчи қўзини сақлаб қолиш имкониятини берадиган даражада ташкил этишга чақирамиз;

ўстириш учун 97300 та ёки пландагидан ташқари 29700 қўзи қолдирамиз, райондаги қўйлар сонини йилнинг охирига бориб 305 минг бошга етказамиз ва планда белгиланганидан 15 минг бош кўпайтирамиз;

давлатга 159100 та қорақўл тери сотамиз, унинг камида 87 процентини биринчи сортларга топширамиз;

давлатга 3460 тонна ёки пландагидан ташқари 350 тонна кўп гўшт сотамиз;

брак қилинган чорва молларни йилова ва қўлда бўрдоқига боқишни яхшилаймиз, гўштга топширадиган ҳар бош қўйнинг тирик вазнини ўрта ҳисобда камида 45 килограммга, қорамолнинг ўртача тирик вазнини эса 300 килограммга етказамиз;

ҳар бир қўйдан ўрта ҳисобда 3,3 килограммдан жун қирқиб оламиз. Баҳорги жун қирқишни 10 кунда тугаллаймиз;

барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш планини 7 ноябргача бажарамиз.

Совхозлар бўйича қуйидаги кўрсаткичларга эришиш мажбуриятини оламиз: «Қизилқум» совхозида ҳар 100 бош совлиқдан 145 тадан қўзи олиш, ўстириш учун пландан ташқари 8898 та қўзи қолдириш, 86 процент қорақўл терини биринчи сортларга топшириш, ҳар бош қўйдан 3,4 килограммдан жун қирқиб олиш; «Фориш» совхозида ҳар 100 бош совлиқдан 127 тадан қўзи олиш, ўстириш учун пландан ташқари 4088 та қўзи қолдириш, 85 процент қорақўл терини биринчи сортларга топшириш, ҳар бош қўйдан 3,2 килограммдан жун қирқиб олиш; «Чимқўрғон» совхозида ҳар 100 бош совлиқдан 135 тадан қўзи олиш, ўстириш учун 11678 та қўзи қолдириш, 87 процент қорақўл терини биринчи сортларга топшириш, ҳар бош қўйдан 3,4 килограммдан жун қирқиб олиш; Киров номли совхозда ҳар 100 бош совлиқдан 120 тадан қўзи олиш, ўстириш учун 3474 та қўзи қолдириш, 88 процент қорақўл терини биринчи сортларга топшириш, ҳар бош қўйдан 3,2 килограммдан жун қирқиб олиш; Тимирязев номли совхозда ҳар 100 бош совлиқдан 140 тадан қўзи олиш, ўстириш учун 1180 та қўзи қолдириш, 87 процент қорақўл терини биринчи сортларга топшириш ва ҳар бош қўйдан 3,4 килограммдан жун қирқиб олиш.

Қорақўлчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаймиз. Камида 33830 тонна ёки икки йиллик план миқдорида юмшоқ пояли ва дағал хашак, шу жумладан, «Қизилқум» совхозида 7000 тонна, «Фориш» совхозида 5854 тонна, «Чимқўрғон» совхозида 12000 тонна, Киров номли совхозда 7970 тонна ва Тимирязев номли совхозда 1006 тонна юмшоқ пояли ва дағал хашак тайёрлаймиз.

Лалмикор ерларнинг гектаридан ўрта ҳисобда 10 центнердан дон оламиз. Доннинг ялпи ҳосилини 31824 тоннага, шу жумладан, арпанинг ялпи ҳосилини 21648 тоннага етказамиз. Давлатга 16,9 минг тонна ёки уч йиллик пландан кўпроқ дон сотамиз ва ҳар бош қўй ҳисобига 30 килограмм. дан ем тайёрлаб қўямиз.

Ем-хашак тайёрлаш ва дон экинлари ҳосилини ўриб-йиғиб олишни муваффақиятли ўтказиш мақсадида барча мавжуд техниканинг ремонтини 15 апрелгача тугаллаймиз.

Ем-хашак тайёрлаш учун 30 та механизациялашган бригада ташкил этамиз, бу ишга 700 кишини жалб қиламиз. Ғалла ўрим-йиғимида 800 киши, 130 комбайн ва 250 автомашина ишлайди.

Ғаллани 20 иш кунида нобуд қилмай ўриб-йиғиб оламиз. Пичан ўрадиган техника ва комбайнлар ишини икки сменада ташкил этамиз. Барча тайёрланган дағал хашини пресслаймиз ва чорва моллар қишлайдиган жойларга ташиб келтириб қўямиз.

Ҳар бир совхоз, бўлим, бригадада мажбуриятларнинг бажарилиши устидан муттасил контроллик қилиб борамиз, социалистик мусобақа натижаларини ҳар бир кишн билиб туришига эришамиз. Ишчиларни маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг барча формаларидан фойдаланамиз. Озуқа жамғариш ва ғалла ўрим-йиғимида банд бўлган кишиларга яхши маданий-маиший шароитлар яратиб берамиз, медицина ва савдо хизмати кўрсатишни яхшилаймиз.

Биз, совхозларнинг ишчилари ва мутахассислари, чорвадорлар ва ғаллакорлар, механизаторлар, район кенгашининг барча қатнашчилари Фориш райони меҳнаткашлари номидан партия ва ҳукуматнн ишонтирб айтамизки, 1969 йил учун олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан ва муддатидан илгари бажариш учун барча зарур чораларни кўрамиз ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб оламиз.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР РАЙОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

Суратда: Андижон областидаги Ленинск шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати модалар уйининг чевар тикувчиси Санобархон Розиқова. У тикан кийим—кечаклар ҳаммага манзур бўлмоқда, смена нормаларини ҳам ортиғи билан бажаряпти. Т. Ҳасанов фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси билан СССР Министрлар Совети дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат комитетининг 1969 йил 17 мартда Будапештда бўлиб ўтган кенгашининг якунлари ҳақида Совет Иттифоқи делегациясининг ахборотини кўриб чиқдилар.

Мудофаа министрлари ишлаб чиққан ва тегишли ҳукуматлар маъқуллаган тадбирлар ҳамда Сиёсий Маслаҳат комитети кенгашида тасдиқланган ва Варшава Шартномаси мудофаа ташкилотининг структурасини ва бошқариш органларини янада такомиллаштиришга қаратилган ҳужжатлар НАТО агрессив империалистик блокининг активлашиб бораётганлиги муносабати билан катта аҳамиятга эга эканлиги уқтириб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси билан СССР Министрлар Совети Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан умум Европа кенгашини тайёрлаш ва ўтказиш хусусида Будапешт Кенгаши қатнашчилари Европадаги барча мамлакатларга қилган Мурожаатдан мамнун бўлганликларини изҳор қилдилар ҳамда амалда бундай кенгашни тайёрламоқ учун Европа давлатлари вакилларининг учрашувини теэроқ ўтказишни муҳим деб топдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси билан СССР Министрлар Совети шунга қатъий ишонадиларки, Сиёсий Маслаҳат комитетининг Кенгашида яқдиллик билан қабул қилинган қарорлар социалистик мамлакатлар бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади ва актуал халқаро проблемаларни Европада ҳамда бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзлаб бартараф этишга ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси билан Совет ҳукумати СССР делегациясининг Сиёсий Маслаҳат комитети Кенгашидаги фаолиятини тўла-тўкис маъқуллади ҳамда кенгашнинг Варшава Шартномаси қатнашчиси бўлмиш Совет Иттифоқига тегишли қарорларни бажариш юзасидан конкрет тадбирларни амалга оширишни тегишли ташкилотлар ва идораларга топширдилар.

1969 йил, 21 март.

Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашига тайёргарлик кўрувчи комиссиянинг мажлислари тўғрисида

АХБОРОТ

18 мартдан 22 мартгача Москвада коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашига тайёргарлик кўрувчи Комиссиянинг мажлислари бўлиб ўтди.

Тайёргарлик Комиссияси ишида қуйидаги коммунистик ва ишчи партиялар делегациялари қатнашди: Австралия коммунистик партияси, Австрия коммунистик партияси, Жазоир социалистик авангард партияси, Аргентина коммунистик партияси, Бельгия коммунистик партияси, Болгария коммунистик партияси, Боливия коммунистик партияси, Бразилия коммунистик партияси, Буюк Британия коммунистик партияси, Венгрия социалистик ишчи партияси, Венесуэла коммунистик партияси, Гаити коммунистларининг бирлашган партияси, Гваделупа коммунистик партияси, Гватемала меҳнат партияси, Германия коммунистик партияси, Германия бирлашган Социалистик партияси, Ғарбий Берлин бирлашган Социалистик партияси, Гондурас коммунистик партияси, Греция коммунистик партияси, Дания коммунистик партияси, Доминикана коммунистик партияси, Исроил коммунистик партияси, Ҳиндистон коммунистик партияси, Иордания коммунистик партияси, Ироқ коммунистик партияси, Эрон халқ партияси, Ирландия ишчи партияси, Шимолий Ирландия коммунистик партияси, Испания коммунистик партияси, Италия коммунистик партияси, Канада коммунистик партияси, Кипр меҳнаткаш халқ прогрессив партияси, Колумбия коммунистик партияси, Коста-Рика халқ авангард партияси, Ливан коммунистик партияси, Люксембург коммунистик партияси, озодлик ва социализм партияси (Марокаш), Мартиника коммунистик партияси, Мексика коммунистик партияси, Монголия халқ революцион партияси, Никарагуа социалистик партияси, Панама халқ партияси, Парагвай коммунистик партияси, Перу коммунистик партияси, Польша бирлашган ишчи партияси, Португалия коммунистик партияси, Пуэрто-Рико коммунистик партияси, Реюньон коммунистик партияси, Румыния коммунистик партияси, Сальвадор коммунистик партияси, Сан-Марино коммунистик партияси, Сурия коммунистик партияси, Совет Иттифоқи коммунистик партияси, Судан коммунистик партияси, АҚШ коммунистик партияси, Тунис коммунистик партияси, Туркия коммунистик партияси, Уругвай коммунистик партияси, Финляндия коммунистик партияси, Франция коммунистик партияси, Цейлон коммунистик партияси, Чехословакия коммунистик партияси, Чили коммунистик партияси, Швейцария меҳнат партияси, Эквадор коммунистик партияси, Жанубий Африка коммунистик партияси.

Сўл партия — Швеция коммунистлари вакиллари мажлисларда кузатувчи сифатида иштирок қилдилар.

Тайёргарлик комиссияси Маслаҳат учрашувида белгиланган «Ҳозирги даврда империализмга қарши кураш вазифалари ҳамда коммунистик ва ишчи партиялар, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлиги» деган кун тартиби билан чақириладиган Кенгашнинг Асосий ҳужжат лойиҳасини муҳокама қилди.

Сессия иштирокчилари ўз нуқтаи назарларини изҳор этдилар ва лойиҳа коммунистик ва ишчи партиялар Марказий комитетларига юборилади, деб келишиб олдилар. Тайёргарлик комиссиясининг бўлиб ўтган мажлислари тўғрисида ҳар бир делегация ўз партиясига ахборот беради. Комиссия иштирокчилари Кенгаш учун бошқа материалларни тайёрлаш тартиби тўғрисида ҳам келишиб олдилар.

Комиссия Кенгаш ўтказишнинг ташкилий масалаларини муҳокама қилди. Тайёргарлик комиссияси шу йил 23 майда Москвада ўзининг якунловчи сессиясига тўпланади.

Халқаро Кенгаш 1969 йил 5 июнда Москвада очилади.

Тайёргарлик комиссияси бўлажак Кенгашда қатнашишни таклиф этиб, барча коммунистик ва ишчи партияларга яна мурожаат қилди.

Тайёргарлик комиссиясининг ўртоқларча ҳамкорлик вазиятида олиб борган ишлари коммунистик ва ишчи партияларнинг марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принциплари негизида муштарак мақсадлар учун, империализмга қарши кураш йўлида жипслашишга интилиши кучаяётганлигини яна бир марта кўрсатди.

ҚИШЛАГАН МАШИНАЛАР

Сирдарёликлар техниканинг шарофати ҳақида жуда кўп гапиришади. Чунки, машина айниқса чўлқуварларнинг беминнат мададкори. Давлат ҳам уларга техника билан катта ёрдам бермоқда. Ўтган йилнинг ўзида область деҳқонлари 3900 трактор, 600 га яқин пахта ва кўрак териш агрегати ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик техникаси олдилар.

Сирдарёликлар қишлоқ хўжалигида техникадан йилдан-йилга унумли фойдаланмоқдалар. Пахтакор районидаги «Самарқанд», Сирдарё районидаги «Малик», Жиззах районидаги «Москва» ва бошқа бир қатор хўжаликларда қишлоқ хўжалиги машиналари хизматига яраша қадр топмоқда. Бу ерларда машиналар яхши сақланади, вақтида ремонт қилинади. Лекин, техниканн асраб-авайлаб фойдаланишда айрим колхоз ва совхоз раҳбарлари ҳатто жинояткорона ҳолларга йўл қўямоқдалар. Масалан, Гулистон районидаги Крупская номли колхоз раҳбарларини (раиси К. Хотамов, механизация бўйича раис ўринбосари Ж. Шомуродов ўртоқлар) олайлик. Бу колхозда 30 та пахта териш машинасидан 16 таси бункердаги сўнгги пахтасини қаерда тўкиш бўлса, ўша ерда қолиб, занг босиб ётибди. 3 та кўрак териш машинаси хирмон бошида ётаверибб, «хомталаш» бўлди, энди уларнинг уччаласини йигса битта бутун машина бўлмайди. 29 та турли хил тракторлар паркка келтирилган-у, очиқ жойда ёғин-сочинда қолиб кетаверган. 5 та плуг сўнгги бор судраб келинган жойидан жилдирилмай, бутунлай яроқсиз ҳолга келган.

Уз-ўзидан бундай савол туғилади: колхоз мулкига шунчалик масъулиятсизлик билан қаралиб келинган экан, хўжаликда халқ контролига кўмаклашувчи группа аъзолари ёхуд бошқа инсофли кишилар наинки, бирор марта қайрилиб қарамасалар?

Зомин районидаги 1-«Зомин» совхозида ўтган йилнинг ўзида хўжасизлик оқибатида 8 та трактор ишдан чиқарилган. Лекин совхоз директори ўртоқ В. Хўжаев тракторларнинг яроқсизлиги ҳақидаги «акт»ларга хотамтойлик билан қўл қўяр экан бунинг сабабларини суриштириб ўтиришни ўзига эп кўрмабди. «Узсельхозтехника» Зомин район бирлашмаси бошлиғи ўртоқ П. Абдураззоқов ҳам яқин орада шундай қатор уйдирма «акт»ларга қўл қўйса ажаб эмас. 4 та яп-янги комбайн ва бошқа ўнлаб қишлоқ хўжалик техникаси ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари лойга ботиб очиқ ҳавода ётибди.

Жиззах районидаги Жданов номли ва Ҳамид Олимжон номли колхозларда ҳам шундай кўнгилсиз ҳодисаларга йўл қўйилмоқда. Пахта териш машиналаридан бошқа ҳамма техника лойга ботиб турганини кўриб ачиниб кетасиз. Уларнинг қанчадан-қанча ишчи органлари ерларда сочилиб ётибди. Райондаги Энгельс номли, «Коммунизм», Ленин номли ва «Ўзбекистон» колхозларида ҳам аҳвол шундай.

Сирдарё районидаги «Сирдарё» шоликорлик совхози раҳбарлари 224 та ҳар хил қишлоқ хўжалик машиналарини қишда «чиниқтириш» учун очиқ ҳавода сақлаб келишди. 9 та шоли ўриш комбайни механизаторлар уйи олдида, 3 таси эса шолипояларда қолиб кетган. Совхоз директори Ким, бош инженери Номозбоев ўртоқларнинг ҳозир бунақа «майда-чуйда»лар билан шуғулланишга вақтлари йўқ эмиш.

Республика қишлоқ хўжалик илғорларининг яқинда бўлиб ўтган қурултойида Сирдарё области қишлоқ хўжалигининг вакиллари бу йил юксак марраларни кўзлаётганликлари ҳақида сўзладилар. Она-Ватанга 515 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмони вазда қилган чўлқуварлар диёрида вафодор азаматлар кўп.

Техниканн яхши сақлаш ва ундан унумли фойдаланиш одинган юксак мажбуриятларни бажаришнинг гаровидир.

М. МАЪДИЕВ,
Сирдарё область прокурори.

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДАЛА ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК!

Ўзбекистон ССР областларида баҳорги экиш учун ер ҳайдаш, баҳорги дон ва беда экишининг бориши тўғрисида 1969 йил 24мартга бўлган

МАЪЛУМОТ

(минг гектар ҳисобида)

(Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — ер ҳайдаш бўйича планнинг бажарилиш процента; учинчи стун — шу жумладан бир кунда ҳайдалган майдон; тўртинчи стун — баҳорги дон экиш бўйича планнинг бажарилиш процента; бешинчи стун — шу жумладан бир кунда экилган майдон; олтинчи стун — беда экиш бўйича планнинг бажарилиш процента, еттинчи стун — шу жумладан бир кунда экилган майдон).

Бухоро	87,6	—	13,2	0,20	6,8	0,06
Тошкент	83,8	0,14	0,8	0,17	0,6	0,05
Сирдарё	81,5	0,07	4,3	0,24	0,2	—
Қашқадарё	77,1	0,21	15,8	0,94	22,3	—
Сурхондарё	72,3	0,14	22,7	—	41,4	0,03
Наманган	60,2	1,13	—	—	33,1	0,11
Самарқанд	54,1	3,04	6,2	0,53	20,2	0,56
Андижон	45,4	—	26,1	0,12	39,7	0,31
Фарғона	17,3	0,62	—	—	48,9	0,32
ҚҚАССР	15,7	0,20	—	—	—	—
Хоразм	—	—	—	—	—	—
Республика бўйича:	56,2	5,55	8,1	2,20	16,1	1,44

Ўзбекистон ССР областларида шўр ювишнинг бориши тўғрисида 1969 йил 24 мартга бўлган

МАЪЛУМОТ

(минг гектар ҳисобида)

(Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — шўр ювилиши зарур бўлган майдон; учинчи стун — шўри ювилган майдон; тўртинчи стун — шу жумладан бир кунда шўри ювилган майдон; бешинчи стун — планнинг бажарилиш процента).

САМАРҚАНД	3	3,4	—	113
СИРДАРЁ	59	59,3	—	100
Наманган	30	20,3	0,7	64,3
Бухоро	220	73,9	5,9	33,6
Андижон	9	2,9	0,4	32,2
Қашқадарё	11	3,2	0,1	29,1
Хоразм	462	110,4	9,8	24
Фарғона	149	33,4	2,6	22,4
ҚҚАССР	385	84,8	4,2	22
Тошкент	1	0,2	—	20
Сурхондарё	23	2,3	—	10
Республика бўйича:	1352	394,1	23,7	29,1

ИЛҒОРЛАР

ШАЙ

Қурултойда берган ваъдаларининг устидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилаётган Охунбобоев районидаги Куйбишев номли колхоз аъзолари бу йилги чигит экиш кампаниясига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Айниқса, ўтган йили ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириб донг таратган ўртоқ О. Омонов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси эришаётган муваффақиятлар кишини қувонтиради. Бригада техникани эллақачонлар ремонтдан чиқариб қўйган. Экин майдонлари тупроқ хусусиятларига қараб минерал ва маҳаллий ўғитларга тўйдирилган. Сув шохобчалари қазилган. Шу кунларда далага қўшимча равишда маҳаллий ўғит ташиб чиқариш қизғин тус олмоқда. Бригада ихтиёридаги «универсал» ва сеялкалар дала бошига чиқариб қўйилган. Азаматлар яқин кунларда ерга уруғ қадашади.

Шунингдек, Убайдулла Отабоев, Холматжон Аҳмедов, Аминжон Ҳайдаров ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам экиш-тикиш ишларини сабрсизлик билан кутишяпти. Умуман олганда, колхоз фидокорлари чигит экишни биринчилар қаторида бошлаб юбориш учун барча имкониятлардан оқилона фойдаланмоқдалар. Бу йил мамлакатга камида 3000 тонна пахта етказиб бериш учун қандай ишларни амалга ошириш зарур бўлса, барчасини хозирданоқ мароми да бажо келтиришяпти.

Беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари адо этиш эл башарият доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб совғалар тайёрлаш соҳасида колхоз механизаторлари ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Деҳқонбой Қодиров, Абдуҳаким Тошматов, Валижон Мухторов каби дала гвардиячилари бу йил машинада пахта териш топшириғини 2-2,5 баравар бажаришга сўз беришган.

А. ТУХТАСИНОВ.

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЖАМОЛИ. Поп районидаги Ленин орденли Ленин номли колхоз посёлкаси бош план асосида қайта қурилмоқда. Бу ерда кейинги йиллар мобайнида меҳнаткашлар учун юздан ортиқ янги уй-жой бинолари қурилди. Магазинлар, маиший комбинат ва бошқа маданий-маиший бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу кунларда тўрт қаватли янги мактаб ва икки қаватли телефон станцчя бинози ҳамда уй-жойлар қурилаётир. Суратда: колхозда барпо этилган янги кўчалардан бири.

Ш. Осмонов фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

УСТАВ ТАЛАБЛАРИ — ҚОНУН

Районимиз коммунистлари КПСС Устави ва Программасининг юксак талабларига амал қила бориб, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма жабҳаларида олдинги сафда бормоқдалар, ҳеч меҳнаткашлар оммасига ҳар чшда ибрат кўрсатмоқдалар. Район партия ташкилоти партия XXIII съездининг бошланғич ташкилотлар жанговарлигини ошириш ҳақидаги талаблари асосида барча коммунистларни юксак ғоявийлик, ўз бурчига виждонан муносабатда бўлиш, ҳар ишда ибрат кўрсатиш руҳида тарбияламоқда.

Бошланғич партия ташкилотлари ташкилотчилик ва сиёсий-оммавий ишларга меҳнат аҳлини саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш топшириқларини муддатидан илгари бажаришга сафарбар этиб, янги-янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишга уларнинг диққат-эътиборини қаратмоқда.

Партия ташкилотларининг ана шундай олиб бораётган ташкилотчилик ва тарбиявий ишлари туфайли район хўжаликларида давлат план ва мажбуриятлари муттасил ошириб адо этилмоқда. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, хўжалик планларининг бажарилиши бевосита кадрларга, уларнинг партия ва ҳукумат қарорларини амалга оширишда кенг меҳнаткашлар оммасини сафарбар эта билиш кобилиятига боғлиқдир. Шу боисдан ҳам кадрлар тўғри танланган ва жой-жойига қўйилган, улар билан муттасил иш олиб борилаётган, партия интизомига қатъий риоя қилинаётган, хўжалик вазифаларини бажаришда ҳар бир ходимнинг масъулияти оширилган жойларда иш яхши бормоқда.

Масалан, Чапаев номли шоликорлик совхозида партия ташкилоти кадрлар билан ишлашга алоҳида эътибор беради. Партия ташкилоти планларнинг бажарилиши кай аҳволда эканлиги ҳақида совхоз директори ҳамда бошқа раҳбар коммунистларнинг ҳисоботларини тез-тез эшитиб, муҳокама қилиб туради. Ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига коммунистлар бошчилик қилмоқда. Бултур совхоз бўйича гектаридан 30-35 центнердан шоли хирмони кўтарилгани ҳолда Наби Жайитбоев, Шарқан Тиловберганов, Кошали Бекжонов, Тиловберган Ўразбоев сингари коммунистлар бошқарган бригадалар ҳосилдорликни 45-50 центнерга етказишди.

Совхоз коммунистларининг аксарияти бевосита ишлаб чиқариш тақдири ҳал қилинадиган жойларда ишлайди. Уларнинг ҳаммаси меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш намунасини кўрсатиши билан коллектив ҳурматини қозонган. Ҳар бир коммунистнинг фаолияти партия ташкилотининг диққат-эътиборида. Уларнинг партия йиғилишларига иштироки, партия топшириғини қандай адо этаётганликлари, ишда ва оилада ўзини тутиши—хуллас, бутун хулқ-атвори партия ташкилотига маълум. Бу эса уларнинг активлигини оширишга катта таъсир кўрсатмоқда.

Райком коммунистлар ва бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш борасида кўраётган тадбирларининг қандай самара бераётганини қуйидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин. Яқин-яқинларгача Қўнғирот пахта тозалаш заводи қолоқ корхоналар қаторида келарди. Завод партия ташкилоти корхонани қолоқликдан чиқаришда коммунистларнинг кучидан етарли фойдалана билмасди, кейинги йилларда корхона директорининг ҳисоботи мутлақо эшитилмай қўйган эди. Ахир, директор ҳам коммунист-кунининг партия аъзоси сифатида ўз бурчини қандай адо этаётганлигини партия йиғилиши эшитса бўлмасмиди?!

Бундай вазиятда бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган коммунистлар ҳам нормаларини бажармасликка кўникиб қолган эдилар. Корхона фаолиятига райком аралашишга мажбур бўлди. Райкомнинг бюро мажлисида завод партия ташкилотининг фаолияти чуқур таҳлил этилиб, қаттиқ танқид остига олинди, директор эса вазифасидан четлатилди. Райкомнинг бюро аъзоларидан бири директор қилиб юборилди. Янги директор моҳир ишлаб чиқариш командири эди. У ишчилар ва коммунистлар билан бир ёқадан бош чиқариб, корхона ишини яхши йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Райком ходимлари ҳам корхонага тез-тез бориб, партия ташкилотининг фаолияти билан чуқурроқ шуғулланадиган бўлдилар. Натижа ёмон бўлмади: коммунистларнинг активлиги кучайиб, корхона қисқа вақт ичида илғорлар қаторига ўтиб олди.

Район хўжалигининг ҳамма соҳаларида ўз ишининг моҳир жонкуярлари бор. Пахтакор Собир Жубайтоев, Назир Аметов, Норбой Оқниёзов, Жўдос Жиямуродов, маккажўхорикор Айитбой Жумамуродов, биноқор Андрей Ли сингари коммунистлар бизнинг машъалларимиз ҳисобланади. Гарчи улар бошқа-бошқа соҳаларда ишласалар-да, бир фазилат — юксак партиявий интизом, меҳнатга коммунистик муносабат. Устав талабларини бажариш учун юксак масъулиятни сезиш фазилати уларни бирлаштиради. Биз мана шу илғорларимиз сафида кадрларни тарбиялаймиз, илғор, янги нарсаларни оммалаштирмоқдамиз.

Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш, партия ички демократиясини ривожлантириш, партия интизомини янада мустаҳкамлаш, ҳамма коммунистларнинг Устав талабларига қатъий риоя қилишига эришиш масалалари райком бюросида тез-тез кўриб турилади. Бу масалалар юзасидан кабул қилинган қарорларнинг ижроси пленумлар ва партия активи йиғилишларида алоҳида масала сифатида кўриб чиқилади.

Район партия комитети ҳар уч ойда бошланғич партия ташкилоти секретарларининг партия қурилиши турли масалалари бўйича семинарларини ўтказишни одат қилди. Бултурги семинарлардан бирида ёш коммунистлар Устав талаблари ва партия топшириқларини қандай бажараётганликлари кўриб чиқилди. Семинарга ёш коммунистлар ва КПСС аъзолигига кандидатлар ҳам таклиф қилинди. Семинарда ўз бурчини садоқат билан ўтаётган, ишда, оилада намуна кўрсатаётган ҳамда партиясизларни унумли ишлашга сўзда ва амалда даъват этаётган ёш коммунистлар ҳақида илиқ гаплар айтилди. Шу билан бирга партия интизомини бузаётган, номуносиб хатти-ҳаракатлар қилаётган коммунистларнинг қилмишлари ҳам рўй-рост очиб ташланди.

Коммунистларнинг партия аъзоси номига дог тушираднган хатти-ҳаракат қилиши талабчанлик бўшаштириб юборилган бошланғич ташкилотларда кўпроқ учрайди. Ўзбекистон Геология министрлигининг Қўнғиротдаги ишчи таъминоти бўлими партия ташкилотида Наги Каракенов шахсий иши қандай муҳокама этилгани бунга мисол бўла олади. У салкам минг сўм камоматга йўл қўйган эди. Лекин коммунистнинг шахсий ишини қараб чиқишга бағишланган йиғилиш жуда сусткашлик билан ўтди. Партия ташкилоти секретари ва ишчи таъминоти бўлими бошлиғидан бошқа ҳеч ким сўзга чиқмади. Бу ерда ўтирган коммунистлар айбдорга шахсий карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилиш ҳақидаги таклифга овоз бердилар, холос. Бундай муҳокаманинг тарбиявий таъсири қандай бўларди, дерсиз?! Шунинг учун ҳам райком бошланғич ташкилотнинг қарорини бекор қилиб, Каракеновий партия сафидан ўчирди.

Коммунистларнинг активлигини ошириш йўлларидан бири шу мавзуда райком секретарлари, райкомнинг бюро аъзолари ва райком аппарати ходимларининг лекция ва суҳбатларини уюштириб туриш ҳисобланади. Биз бунга амал қилиб, райком аппаратининг ҳар бир масъул ходими бирор бошланғич ташкилотда шу масала бўйича партия йиғилишида доклад билан чиқиши лозим деган қарорга келдик. Маҳаллий ҳаётдан олинган мисоллар асосида пухта ўйлаб тузилган бу докладлар коммунистларнинг активлигини оширишда яхши самара бермоқда. Шунингдек, Устав талаблари, партия аъзосининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида «Женгис байраги» район газетаси саҳифаларида ҳам тез-тез мақолалар бериб борилмоқда.

Коммунистларнинг Устав талабларини бажаришдаги масъулиятини оширишда йўлида ҳамма имкониятлардан тўла фойдаланмаётганлигимизни тан олиш керак. Ҳали районимизда қолоқ корхоналар борлиги, чорвачиликдаги жиддий нуқсонлар мавжудлиги бошланғич ташкилотлар ва кадрлар билан етарли иш олиб бормаётганлигимизни кўрсатади. Райкомга коммунистларнинг шахсий ишлари кўпроқ тушаётгани ҳам тарбиявий ишнинг талаблар даражасида эмаслигидан далолат беради. Бу камчиликларни тугатиш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Коммунистлар активлигини ошириш, бошланғич ташкилотлар жанговарлигини кучайтириш ишда муваффақият қозонишнинг гаровидир. Шунинг учун ҳам Устав талабларини бажаришда коммунистларнинг масъулиятини оширишни муҳим бурчимиз деб биламиз.

Қ. АБДИРОВ,
Ўзбекистон КП Қўнғирот район комитетининг биринчи секретари.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДАН ХАБАРЛАР

ҚАТЪИЙ СЎЗ

Пландан ташқари 50 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарамиз! «Қорақалпоғистон 40 йиллиги» номли Нукус тикувчилик фабрикаси коллективи нинг бу йилги аҳди ана шундай. Сўзи қатъий корхона ишчилари технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш миқёсини ва меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларини излаб топиш учун курашмоқдалар. Ишчиларнинг бир неча рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилиб, корхона ундан 3 минг сўмдан ортиқ фойда кўрди.

Фабрика ишчилари ўтган икки ойлик давлат планини муддатидан илгари уддаладилар. Шу кунларда улар учинчи ой ишлаб чиқариш топшириғини барвақт бажариш учун курашмоқдалар.

У. АРЗУЕВ.

ЗЎР СУРЪАТ

Тошкентдаги Луначарский шоссесида иш олиб бораётган 4-трестнинг 19-қурилиш бошқармаси бинокорлари 3 та 40 квартирали уй-жой биносини қуриб, фойдаланишга топширдилар. Сергайрат қурувчилар шу кунларда 72 квартирали 4 қаватли уй-жой биносини зўр суръат билан тикламоқдалар. Карима Зокирова, Александр Илюшин, Геннадий Трудицкий сингари бунёдкорлар кунлик топшириқларни муттасил 130-140 процент бажариб, кўпчиликка ибрат бўлишаётир.

С. ПЎЛАТОВ.

ОЛОВКОРЛАР ВАХТАДА

Когон район марказий газ қувурлари бошқармаси ишчи инженер-техник ходимлари доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб меҳнат туҳфаси ҳозирлаш мақсадида Бутуниттифоқ саноат корхоналари ўртасида авж олдирилган ўзаро социалистик мусобақага қўшилиб яхши кўрсаткичларни қўлга киритаётирлар. Улар район марказий газ тақсимлаш станциясининг бенуқсон ва узлуксиз ишлашини таъминлашда жон қуйдириб меҳнат қилмоқдалар. Бу ердан республикамизнинг кўпгина шаҳарларидаги саноат корхоналари томон илдиз отган газ тармоқлари соғи йил-сайин кўпаймоқда. Шу туфайли компрессор станциясининг қувватини янада ошириш тадбирлари ишлаб чиқилаётир. Шу мақсадда бошқарма коллективи кўп ҳажмдаги қурилиш ишларини бажаришга киришди. Токарь М. Камишев, электр пайвандчи В. Трушин, ускуналарни ремонт қилиш бўйича катта машинист Г. Агафанов каби тажрибали оловкорлар ленинча меҳнат вахтасида туриб, уч ойлик ишлаб чиқариш топшириғини муддатидан 9 кун олдин бажаришди.

М. ХАЙКИН.

МЕҲНАТ — МУРАББИЙ

МУЛОҲАЗАЛАР

Мамлакатимизда умумий мажбурий ўрта таълимга ўтиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу муҳим вазифа — биргина маориф ходимларининг иши бўлиб қолмасдан, партия, совет ва комсомол ташкилотларининг, кенг жамоатчиликнинг ҳам бурчидир.

Маълумки умумий мажбурий ўрта таълимга ўтишда турли йўллардан фойдаланиш мумкин. Биз шу муносабат билан кўп йиллик иш тажрибамизга, кузатишларимизга таяниб, баъзи фикр ва мулоҳазаларни ўртоқлашмоқчимиз.

Аниқки, саккизинчи синфни тамом қилган ўқувчиларнинг хоҳлаганлари ўрта махсус ўқув юртларига ёки профессионал-техника билим юртларига кириб ўқишлари мумкин. Бу ерда улар ҳунар билан бир қаторда тўлиқ ўрта маълумот ҳам оладилар.

Ўқитувчиларнинг Бутуниттифоқ съездида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев халқ маорифи мактаблари билан бир қаторда мамлакатимизда мавжуд олий ҳамда ўрта махсус ва профессионал-техника таълими ўқув юртларининг тармоғини ҳам доимо кенгайтириб бориш зарурлигини уқтириб ўтган эди. Бундан равшанки, ҳозирги пайтда профессионал-техника билим юртлари ҳақида ҳам кўпроқ қайғуришимиз керак.

Партия ва ҳукуматимиз барча модтий бойликларни яратувчи қаҳрамон ишчилар синфининг муносиб ўринбосарларини тарбиялаш ва вояга етказишга жуда катта эътибор бермоқда. Профессионал-техника таълими ўқув юртларининг сони йил сайин ортиб бормоқда. Ҳозир мамлакатимизда 4900 дан зиёд профессионал-техника таълими ўқув юртлари мавжуд бўлиб, уларда икки миллиондан кўпроқ ёш авлод турли-туман мутахассисликни эгалламоқдалар. Буларга ўз касбини севган минглаб юқори малакали олий маълумотли кишилар таълим бермоқда.

Бу гамхўрликка жавобан, Ватанимиз қаҳрамон ишчилар синфининг муносиб ўринбосарларини тайёрлашга, улар таълим-тарбия сладиган ўқув юртларига бўлган диққат ва эътибор тўлақонли бўлмоғи лозим.

Лекин амалда айрим халқ маорифи ходимлари, ўқитувчилар бу муҳим ишга жиддий эътибор бермаётирлар. Мисолларга мурожаат қилайлик.

Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги 9-профессионал-техника билим юрти 1968 йилда 150 ўқувчи қабул қилиши керак эди. Райондаги ҳар бир мактаб учта ўқувчи юборганда ҳам ўқувчилар қабул қилиш плани ортиғи билан бажарилган бўлар эди. Райондаги мавжуд 50 дан ортиқ тўлиқсиз ва тўлиқ ўрта мактаблардан бу ўқув юртига ўнтагина бола юборилди, холос. Бундай камчиликлар бешқа халқ маорифи органларида ҳам учрайди. Ўйлаймизки, бундай ҳолга хотима бериш пайти келди. Кўпгина мактабларда касб танлашдек муҳим масалага етарли аҳамият берилмаётганлиги ҳам ачинарли. Ваҳолонки, мактаб ўқувчилари ўртасида касб танлаш ҳақидаги зарур ва муҳим ишни олтинчи синфдан бошламоқ керак.

Олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари ўқувчиларини тўлиқсиз ва тўлиқ ўрта мактаблардан олганидек, профессионал-техника билим юртларини ҳам халқ хўжалик планини шу мактаблар ҳисобигагина тўлдирадилар.

Шундай экан, бу системага нисбатан муносабат тубдан яхшиланиши лозим. Халқ маорифи ходимлари, мактаб коллективлари билан касб техника таълими ўқув юртлари коллективлари алоқани мустаҳкамлашлари лозим. Токи, бу билим юртларининг ўқув устахоналари, кабинет ва лабораторияларидан мактаб ўқувчиларининг севимли даргоҳига айлансин.

Совет педагогларининг устоди Н. К. Крупская ўз эсдаликларида ёзади: «Ленин ёш авлодни меҳнат фронтида ҳам кураш олиб боришга қобилиятли қилиб тарбиялаш тарафдори эди. Шунинг учун ҳам у политехника таълими тарафдори, ёшларнинг коллектив меҳнати тарафдори эди».

Биз аминмизки, ёш авлодни коммунистик рухда ҳормай-толмай тарбиялаётган минглаб, ўн минглаб мактаб ўқитувчилари бу муҳим вазифани ҳал этишда ҳам фидокорлик кўрсатадилар.

М. ИБРОҲИМОВ,
9-шаҳар профессионал-техника билим юртининг директори, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган ўқитувчи.

ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАРДАН РЕПОРТАЖ

МЎЪЖИЗАСИЗ-МЎЪЖИЗА

Илмий кенгаш иш бошлади. Раис янги ташфиёт ҳақида Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидан олинган фикрларни баён этди.

«Ўрта Осиё гиёҳларидан алкалоид олишга қўл урилганлиги тасодифий эмас, нуда актуал, тўла асосланган фикр.

Олим замонавий оригинал методлар асосида ўн бир янги алкалоиднинг кимёвий тузилишини аниқлаган.

Шуниси диққатга сазоворки, олимнинг «талинтрум» ўсимлиги дан ажратиб олган алкалоидлари дунё олимларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Коми АССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, биология фанлари доктори, порфессор В. С. Соколов».

Мана яна бир олимнинг баҳоси:

«Янги олинган алкалоидлар тўла асосланган. Шубҳасиз, олим бу ташфиёти учун химия фанлари доктори илмий даражасига лойиқдир».

Химия фанлари доктори, профессор Р. П. Евстигнеева — М. В. Ломоносов номидаги органик модалар технологияси институти, Москва шаҳри.

Муаллиф минбарга чиқди. У ўзига термулган кўзлар қаршисида бир оз қаҳжонлаб, гап бошлади:

— Ишонч, эътирофлар учун қуллуқ!..

Олимнинг йигирма йиллик илмий изланишлари салмоқли эди. У шу даврда Ўрта Осиё тоғлари, Олой водийси, Қизилқум саҳроси, Қирғизистон ва Тожикистон ерларида алкалоид сақловчи «талинтрум» ўсимлигининг барг ёзиш, гуллаш, мева тугиш даврларини текшириб, 23 алкалоидни ажратиб олди. Сўнгра кимёвий, физикавий методлар асосида 11 алкалоид янги эканлигини аниқладди.

Биз ҳурматли олим З. Исмоиловни иккинчи уйи бўлиб қолган лабораторияда учратдик. У шогирдларига модда молекуласининг тузилишига қараб физикавий хусусиятининг ўзгариши ҳақида гапирарди.

Маълумки, яратилган ҳар бир ташфиёт, янги фикр, унинг халқ хўжалигида қўлланилиши, саноат миқёсида тутган ўрни билан ўлчанади.

Биз олимдан ташфиётнинг амалдаги манфаатини сўрадик. Билишимизча, З. Исмоиловнинг кимёвий усулларга олиб кирган галвизонин ва фетидин препарати Иттифоқимизнинг беш шаҳрида клиникасини, жумладан ўтиб, жимжит натижалар берди. Улар қон босими, асаб ва бод касалликларига қарши эффектив дори-дармон бўлиб чиқди. Талсимин, гернандезин, таллинимн каби алкалоидлар — медицина саноатидаги натрий солицилати, амидопиринлан таъсир кучи антивирок эканин исботланди.

«Талинтрум» ўсимлиги халқ медицинасида аввалларн оғриқни қолдирувчи, ҳароратни туширувчи восита сифатида фойдаланиларди. З. Исмоиловнинг иши табиий бирикмалар кимёсининг ютуғигина бўлиб қолмай, республика шифокорларида ҳам катта қизиқиш уйғотди», — дейди фармакология ва кимётерапия лабораториясининг мудири, медицина фанлари доктори М. Султонов.

Олим фармакологии жиҳатдан қимматли бўлган фетидин, талисопин, талинкимдин, талсемин ва гернандезин алкалоидларини техникик усулда ишлаб чиқариш методларини яратди.

Толмас олим З. Исмоилов бир неча йилдан буён, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академик С. Ю. Юнусов раҳбарлик қилаётган Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўсимликлар кимёси институтида ишлаб келмоқда. Ўтгиздан ортиқ илмий мақолалар, қатор ташфиётлар муаллифига лигги муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳ. МАҲСУМОВ.

ХАТЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

МЕҲРИБОН БЎЛИНГ

Такси машиналарининг айрим шоферлари одамларга меҳрибон, дилкаш бўлиш ўрнига, уларнинг асабини бузишади. Машина бўш бўлса ҳам йўловчи олишмайди, машина ўрнидигига ўтирсанг, айтган жойингга боришга деб ноз қилади, кира ҳақи берсанг, қайтимини қайтармайди. Бир машинадан иккинчи машинага савдолашиб йўловчи ташийдиган шоферлар ҳам йўқ эмас. Масалан, «58-64 ТНГ» такси машинасининг шофёри Юсуповни олайлик. У юлғичлик ва таъмагирликка ўрганган. Счетчик кўрсатгандан ортиқ пул берсангиз — хизмат қилади, бўлмаса—йўқ. Яқинда бундан ортиқча пул олди, аммо айтган манзилимизга бормади. Ахир, бу инсофсизлик-ку!

Йўловчилардан олинган бу хатни «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси республика автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги Тошкент таксомотор корхоналари бирлашмаси 2-автокомбинатига юборибди, текширибди кўришни, айбдорни қаттиқ жазолашни сўрабди. Олинган жавобда бундай дейилади.

Йўловчиларнинг хатидаги гаплар тасдиқланди. Юқоридаги камчиликларга йўл қўйгани учун Юсуповга қаттиқ виговор берилди. Бу ҳақдаги буйруқ комбинат коллективи орасида муҳокама қилинди.

Саноатимиз марди майдонлари

ОТАХОН

«Тошкент, «Ўзбексельмаш» заводи ишчиларига! Сизлар ишлаб чиқарган чигит экувчи машина синовдан муваффақиятли ўтди. Унинг хизматидан беҳад мамнунмиз. Бизга бундай машиналар кўп керак. Сизларнинг ижодий ишларингизга зафар тилаймиз! Дўстлик саломи билан. Мали Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари».

Корхона номига келган бундай миннатдорчилик мактублари кўп. Ўзбек машинасозлари шуҳратини оламга тараташётган қўли гул ишчилар билан танишиш мақсадида экспериментал участкага бордик. Станок ва автомат машиналарнинг гувури эшитилди. Участка бошлиғи Аркадий Гойхман мақсадимизни англагач:

— Сизларни Уста Усмон билан таништириш керак экан, бўлмаса! — деди гурур билан. Сўнг бизни ичкари бошлади. Уста Усмон олдига етгунча у участкада қилинаётган юмушлар билан таништирди: — Биз асосан чет эллик дўстларимиз учун трактorга тиркаб ишлатиладиган қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарамиз. Лойиҳачиларимиз яратиб берган ҳар бир янги техника схемаси дастлаб бизга келиб тушади. Бу жуда мураккаб, ноизк операциядир. Механизм қанчалик бенуқсон, мукаммал бўлса, шунча яхши. Буюртмачилар хурсанд бўлишади. Техникага талаб ва ихлос ортади. Чигит экиш ва кўрак чувиш машиналаримиз 20 дан ортиқ хорижий мамлакатга экспорт қилинаётир. Африка, Ҳиндистон, Ироқ, Тунис, Мали, Сурия, Кубанинг биз ишлаб чиқараётган маҳсулотга талаби катта.

Аркадий олтмиш баҳорни кўрган, ўрта бўй, юзларига ажин гўр ташлаган бақувват ва тетик ишчини бизга таништирди:

— Уста Усмон шу киши бўладилар. Энг кекса ишчиларимиздан. Номлари етти иқлимга кетган. Машинамизга ихлосманд чет элликлар заводимизга келишганда, Усмон отамизни зиёрат қилмасдан кетишмайди. «Уста Усмон» деб ўшалар ном беришган. Бизнинг ишчиларимиз «Усмон ота» деб ҳурмат қилишади. Участкамиздаги деярли барча қасбдаги мутахассислар шу кишининг шогирдларидир. Мен ҳам Усмон отанинг таълимларини олганман. Асли касблари слесарь-йиғувчи.

— Жуда мақтаб юбордингку, Аркадий! — деди Усмон ота хижолат тортиб. Усмон ота билан қисқача суҳбатлашиб олдик.

— Улуғ Ватан уруши тугагач, тўғри шу заводга келдим. Қисқаси, шу кунга қадар слесарлик касбида ишлаб келяпман. Ҳар касбнинг ўзига яраша қийинчилиги, ўзига яраша гашти ҳам бўлади. Мен уларнинг барчасини татиб кўрдим. Касбкасб деймиз-у, касбни севганга, уни ардоқлаганга касб. Ишхонамизга қанча ман-ман деганлари келиб кетди, ўз ишини билмаган, унинг сир-асроридан воқиф бўлишга тиришмаганлар кўчат экиб, парвариш қилмаганлиги оқибатида мевасидан бебаҳра қолган «боғбон»ларга ўхшайди, — дейди отахон.

Участкада тайёрланаётган ҳар бир машина албатта Усмон ота қўлидан ўтади. Уларнинг техникавий соз бўлишида отанинг хизмати катта. Унинг қўлидан чиққан машина ва агрегатлар Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқларини кўргазмаларида намойиш этилятти. 1965 йилда ўтказилган халқаро кўргазмада диплом билан тақдирланган.

Усмон ота Дадаматов баракали ва фидокорона меҳнати туфайли бир неча марта завод маъмурияти, жамоат ташкилотларининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. Сурати эса ҳурмат тахтасидан жой олган. Ўн қадоқ қўлларига 17 рақами ёзилган калитни олди. Кўрак чувиш машинасининг кўсак ямловчи қисмларини бурай бошлади. Агар бирор қисм сал бўлса-да, бўш бураливб қолса ёки стэндарт бўйича ўрнатилмаса, ундай механизм брак ҳисобланади. Бундай камчиликнинг олдини олиш учун эса, ишни пухта бажариш, сезгирлик ва ҳушёрликни қўлдан бермаслик керак. Усмон ота шундай қилади...

Уста Усмоннинг ҳаёти корхона билан чамбарчас боғланган. У шу даргоҳда камол топди, катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. Қадрдон корхонасисиз яшай олмайди. Ёши анчага борган бўлса-да, кексаликни ҳали тан олгиси келмайди. У тез-тез план бўлимига кириб туради. Севимли заводининг муваффақиятларидан хабардор бўлиб турғиси келади. Завод коллективи ўтган йилда 7110 дона сеялка, 1546 дона «ПХН-1,2» маркали тўкилган пахтани тозалаш агрегат, 150 дона аэрарли ҳашаротларга қарши гербицидлар сепувчи машиналар ишлаб чиқарди. Бу машиналар Иттифоқимиздаги барча пахтачилик хўжаликларида деҳқонларнинг оғирини енгил қилаётир. Бунда камтарин ва камсуҳан ишчи Усмон ота Дадаматовнинг ҳам улуши бор. Коллективнинг ҳурматли бу отахони шу кунларда лечинча меҳнат вахтасида туриб иш бажармоқда.

Ҳ. ҚОДИРОВ.

ҚИЗЛАР ЖАСОРАТИ

Уч киши суҳбатлашиб ўтирибмиз. Суҳбатдошимнинг бири Избоскан районидаги «Правда» колхози партия ташкилотининг секретари Олимжон Раҳимов, иккинчиси — комсомол комитетининг секретари Раҳмиддин Иномиддинов. «Маданият» массиви ҳақида баҳс юритардик.

— Бунинг тарихи узоқ, — дея гап бошлади Иномиддинов, — планни тўлдирмасдан кўнглимиз хижил эди. Колхозни қолоқликдан чиқариш масаласи кўндаланг бўлиб турарди. Ай, никса «Маданият» массивидаги еримизда ҳосилдорлик гектар бошига 20 центнердан ошмасди.

Бир йиғилишда «Маданият» массивига кўпроқ куч ташлаш керак дейилди. Лекин йигитлардан ҳеч ким «мен бораман» деб чиқмади. Шунда Маҳмуд аканинг қизи Турдихон ўрнидан турди-да:

— «Маданият» массивига биз борамиз! — деди.

Залда ғала-ғовур бошланиб кетди. Ҳамма Турдихонга ўгирилди, йигитлар изза бўлиб қолишди.

— Гап битта! — деди Турдихон, — мен қизлар билан маслаҳатлашдим....

Ўттиздан ортиқ кўнгилли йўлга чиқди. Қизлар учун махсус машина ажратилди. Уч-тўрт кун ичида кўнгиллилар сони олтмишга етди.

«Маданият» массиви ял-яйдоқ дашт бўлиб, бирорта дов-дарахт кўринмасди. Шундай жазирамада бориб ишлаган азаматни айтинг. Қизларнинг пой қадами етгач, зудлик билан дала шийпони қурилди. Яхшилаб жиҳозланди. Кўчма магазин, кутубхона пайдо бўлди. Шийпон атрофи обод қилинди. Ҳовуз қазилди, гулзор қилинди.

Қизлар ҳар куни тонг саҳарда даштга етиб борардилар, кечгача ишлаб, кечқурун қишлоққа қайтишади. Кўпчилиги кечки мактабда таълим олади.

— Карвон бехатар бўлмайди. Қизлардан беш киши «сенгилроқ» иш ахтаражагини айтди. Қолган эллик беш қиз мардонавор ишлади. Етиштирилган мўл ҳосилни ўзимиз терамиз, механизаторлар тайёрлаш курси очиб бериш раис, деб турибди олишди. Таклиф амалга ошди, курс очилди. Йигирма икки қиз ўқиб механизатор бўлди. Ўн бир қиз «зангори кема» рулига ўтирди.

Тажриба ва ташаббус

Турдихон Маҳмудова, Каримахон Рўзиматова, Машрабхон Йўлбарсова каби қизлар 75-90 тоннадан пахта теришди. Турдихон ўқишни ҳам унутмади. Андижон пахтачилик институтида сиртдан ўқийди. Каримахон эса Наманган қишлоқ хўжалик техникумининг сиртқи бўлимига ўқишга кирди.

— Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига алоҳида-алоҳида мажбуриятлар олдик, — дейди қизлардан Инобатхон Қосимова. — ёзда чопиқ трактурини бошқаришни ўрганмоқчиман. Кузда 150 тонна пахта тераман.

Ўктамхон Маманазарова бундай дейди:

— Биз ишлаган «Маданият» массивидаги 300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиниди. Бир йилда ҳосилдорлик гектар бошига 10 центнер кўтарилди. Колхоз бўйича ҳам пахта плани тўлди.

«Маданият» массивидаги қаҳрамон қизларнинг бу йилги режалари қандай? — деб сўрадим.

— Турдихон ўз дугоналари билан даштдан 75 гектар ер ажратиб беришни сўради. Комплекс механизациялашган бригада тузишни илтимос қилди. Унинг талаби қондирилди. Турдихон Маҳмудова янги бригадани қабул қилиб олар экан: «Биз доҳий Ленин юбилейини ёруғ юз билан кутиб оламиз. 75 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтарамиз. Етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини машинада териб оламиз», деб ҳаммани ишонтирди.

Куни кеча Турдихон Маҳмудовали учратиб қолдим. У бригаданинг шу кеча-кундуздаги ишлари ҳақида гапириб берди:

— Бригадамизга ажратиб берилган майдоннинг ҳаммаси кузда сифатли шудгор қилиб қўйилган. Шудгор олдидан гектар бошига 300 килограммдан суперфосфат солганмиз. Ҳозиргача 500 тонна компост тайёрладик. Гектарига 10 тоннадан маҳаллий ўғит соламиз. Суғориш тармоқлари қазилган, техника тахт қилиб, қўйилган.

Бригадир қиз Андижон область комсомол комитетидан келаётганини айтди ва чўнтаги, дан бир қоғоз олиб узатди. Маълум бўлишича, қаҳрамон қизлар область хотин-қизларини В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ва механизаторлик касбини эгаллашга чақиришибди. Область комсомол комитети қиз. ларнинг бу ташаббусини маъқуллаб махсус қарор қабул қилди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Сўз—тажрибакорларга

ДЕҲҚОННИНГ ОМАДИ

МЕҲНАТ ҲАЁТ ШАЪМИГА ЗИЁ БЕРАДИ ● ҲОСИЛДОРЛИК КАЛИТИ ● ПАХТА ХАРИД НАРХИНИНГ ОРТИШИ ЭВАЗИГА 16,5 МИНГ СЎМ ҚЎШИМЧА ДАРОМАД.

Бу йил аввал баҳорданоқ деҳқоннинг омади келди, пахтанинг харид нархи ошди. Бу, партия ва ҳукуматимизнинг тармушимизни фаровон, бадавлат қилиш йўлида кўрсатаётган оталарча ғамхўрликларининг ёрқин намунаси, ердан олтин ундираётган деҳқоннинг бахти. Пахта харид нархининг 15 процент кўпайтирилганлиги ҳақидаги хабар республикамиз заршунослари қатори бизнинг «Ўзбекистон» колхози меҳнаткашларининг, жумладан, мен раҳбарлик қилаётган бригада пахтакорларининг ҳам кучига-куч қўшди.

Шу муносабат билан биз ўтган йилги деҳқончиликда эришган муваффақиятларимизни таҳлил қилиб, забардаст беш йилликнинг баракали тўртинчи йили учун янги режалар тузиб олдик. Ўрни келганда ўтган йилги ютуқларимиз, бригадамиз аъзоларининг кўрсатган катта жасорати ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Меҳнат ҳаёт шаъмига зиё беради, дейди халқимиз. Бунн бир чарда туриб меҳнатга чинакам ихлос қўйган кишилар фаолиятида, қолаверса, ўзимнинг кўп йиллик тажрибаларимда синаб кўрдим. Йигирма тўрт йилдирки, пахтачилик бригадасига бошчилик киламан. Шу йиллар мобайнида фақат битта бригадада, бир картада ишлаб келяпман. Деҳқончиликнинг шодлигини ҳам, аччигини ҳам татиб кўрдим. Шунга амин бўлдимки, меҳнатнинг эвазига чиқарган, ҳалол ишлаган киши ғолиб чиқаверар экан.

Буни ўтган йили пахтачиликдан кўтарилган баракали хирмон мисолида ҳам кўриш мумкин. Бултур 68 гектар ерда деҳқончилик қилдик. Гектар бошига 33 центнердан ҳосил олиш ҳақида шартнома тузилди. Ёз бўйи қилинган ҳалол меҳнат, бригада аъзоларининг баҳорги об-ҳаво инжиқликларига қарши олиб борган мардонавор курашлари ўз самарасини берди. Давлатга пахта сотиш йиллик плани муддатидан олдин бажарилди. Планга қўшимча равишда 27 тонна «оқ олтин» сотилди. Ёки ҳар гектар пахта майдонидан 37,5 центнердан хирмон кўтарилди.

Бригадада юқори ҳосил олинаётганининг боиси нимада? Бизда кейинги икки йил ичида уруғ ерга ташланаётган вақтда янги бир усул қўлланадиган бўлиб қолди. Чигит солинган сеялкаларга бир йўла ўғитлаш аппаратлари ҳам ўрнатилади. Гектар бошига чигит билан бирга 50 килограмм суперфосфат, 50 килограмм азот қўшиб сепилялти.

Тажриба чигит экиш билан айни вақтда ерга ўғит сепилганида уруғ ерга униб чиққач ўзини тутиб, токи олди ғўзалар шонага киргунча қувват бериб туришини кўрсатди. Тўғри, биз олдинлари ҳам чигитга 100 килограмм суперфосфат ва гўнг аралаштириб экардик. Лекин кейинги усулимиз олдингисига нисбатан анча фойдали самарали бўлиб чиқди. Бригадамизда қўлланилаётган агротехника қоидаларидан яна бири, қатор оралариии дастлабки ишлашга алоҳида аҳамият бериш, культивацияни имкони борича чуқур ўтказишдан иборат.

Биз ғўза парваришида агротехниканинг барча қоидаларига риоя қилганлигимиз туфайли яхши ютуқларга эришмоқдамиз.

Юқорида 1969 хўжалик йили аввал баҳордан баракали бошланганлиги ҳақида гапиргандим. Бу ҳақиқат гап. Пахта харид нархининг ошганлиги муносабати билан биз янги хўжалик йилида қўлга киритадиган муваффақиятларимизни ҳозирдан чамалаб кўрдик. Бу йил деҳқончилик қиладиган майдонимиз яна икки гектар кенгайган. Чигит экадиган ерларимизнинг 90 процентн сифатли шудгордан чиқариб қўйилган Чигит экиш сеялкалари ва ҳайдов тракторлари тахт. Ердан қор кетиши биланоқ дала ишларини қизитиб юбордик. Дала бошига 50 тонна азот, 40 тоннадан ортиқ гўнг чиқариб қўйганмиз. Минерал ўғит яхши сақланяпти. Ҳозир гектарига яна 10 тоннадан ошириб гўнг тайёрлаш учун ҳамма чоралар кўрилятти.

Гектар бошига 40 центнердан пахта топшириш, ялпи ҳосилнинг 90 процентини юқори сортларга ўтказиш, пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш мажбуриятини олдик. Зиммага олинган юксак мажбурият биздан давлатга 280 тонна юқори сифатли дурдона етказиб беришни талаб этади. Бу шарафли бурчни оқлаш учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Шунда биз ҳозирги ҳисоб-китобларимизга кўра, пахта харид нархининг оширилиши муносабати билан ўтган йилдагига нисбатан 16,5 минг сўм қўшимча даромад оламиз. Бу, суғаги меҳнатда қотган деҳқоннинг, заҳматкаш пахтакорнинг омади эмасми!

Бригадамиз аъзолари партия ва ҳукуматимизнинг бизга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигига жавобан бу йил пахтачиликни янада ривожлантириш, башарият инсониятга келтирган энг улуғ ҳақиқатларидан бири — ленинизм таълимотини ижодий ўзлаштириш, ўзимиз ишлаётган ерларнинг ҳар бир қарич жойидан унумли фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, пахтанинг ҳар бир центнерини арзон-гаровга тушириш учун курашамиз.

Ҳ. ЮСУПОВ,
Наманган районидаги «Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Г. ГАЛЛАМОВА «Узсельхозтехника» Ўрта Чирчиқ район бирлашмасининг устахонасида бир неча йилдан буён баракали меҳнат қилиб келяпти. Бу илғор слесарь бу йил техникани кўклам экишга тайёрлашда ҳам ибрат кўрсатиб ишламоқда. Чапдаги суратда: Г. Галламова иш устида.

А. Тўраев фотоси.

ПАХТА селекцияси ва уруғчилик институтида чигитнинг тезпишар янги сортларини яратиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўнгдаги суратда: иншлоқ хўжалик фанлари кандидати Р. И. Ковальчукни кўриб турибсиз. У янги навни яратишда радиациядан фойдаланган олимлардан бири ҳисобланади.

И. Глауберзон фотоси.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ТОШКЕНТ. Оққўрғондаги Султон Сегизбоев номли совхозда техника ремонти тугалланай деб қолди. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Собир Абдукаримов бошлиқ комплекс механизациялашган звено трактор ва сеялкаларни дала бошига чиқариб қўйди. Звено биринчи бўлиб чигит экишга киришади.

Ҳ. Аҳмедов.

БУХОРО. Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозида маҳаллий ўғит тўплаш кун сайин қучайтирилмоқда. Ашур Мансуров бошлиқ бригада ҳар гектар ер учун 13-15 тоннадан гўнг тайёрлади. Техника ремонти ҳам бараварт тугалланди.

Р. Ғафуров.

СУРХОНДАРЁ. Денов районидаги «Хазорбоғ» совхозида тракторлар ва сеялкалар ремонти тугалланди. 5-бўлим механизаторлари бу ишда айниқса жонбозлик кўрсатишди. 7 та ҳайдов трактори, 14 та чопиқ трактори ва 150 та борона созланиб, экиш-тикиш ишларига шай қилиб қўйилди.

Т. Ражабов.

ФАРҒОНА. Олтиариқ районидаги «Намуна» колхозида 15 та ҳайдов трактори. 28 та «универсал» тўла ремонтдан чиқарилиб, чигит экишга тайёр турибди. Шунингдек, 18 та автомашина ҳам кўклам дала ишларига тахт қилинган.

А. Тўхтасинов.

ҚАШҚАДАРЁ. Қарши районидаги «Партия XX съезди» совхози механизаторлари яқин кунлар ичида чигит экишни бошлаб юборишади. Бунинг учун ҳамма нарса тайёр.

Б. Хонназаров.

АНДИЖОН. Ленин районидаги Куйбишев номли колхозда 43 та чопиқ трактори, 40 та сеялка ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси чигит экишга шайлаб қўйилган. Сув шохобчалари тозаланди.

Т. Мамажонов.

ПРОПАГАНДИСТЛАР КЕНГАШИ

Тошкентда В. И. Ленин таълимоти асосида педагогика билимларини пропаганда қилишни кучайтириш юзасидан чақирилган республика кенгаш-семинари икки кун давом этди. Москва ва Тошкентнинг таниқли олимлари доклад ва лекция ўқидилар.

СССР педагогика фанлари академияси вице-президенти А. Г. Хрипкова «Инсонни тарбиялаш ва унинг камол топишида биология ҳамда социал масалалар» деган мавзуда лекция ўқиди. Болаларни политехника ва атеистик руҳда тарбиялашда мактабнинг вазифалари тўғрисидаги, оилавий тарбиянинг баъзи проблемалари; ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари ва бошқа масалалар ҳақидаги ахборотлар тингланди. (ЎзТАГ).

КИНО

«ИНҚИЛОБ ЧАВАНДОЗЛАРИ»

Тарихий-инқилобий мавзу киносанъатимизнинг етакчи мавзуи бўлиб қолаётир. Марказий студиялардагина эмас, ҳатто республикаларнинг киностудияларида ҳам ана шу шарафли, мўътабар ва ҳаётбахш мавзуда қатор реалистик кинофильмлар яратилмоқда.

Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, ички ва ташқи душманларга қарши олиб борилган шонли курашларда халқимизнинг кўпгина асл фарзандлари матонат ва жасорат кўрсатишди. Ўзбек кино санъатининг оқсоқоли, СССР халқ артисти Комил Ярматовнинг «Инқилоб чавандозлари» бадиий фильмида халқимизнинг жасур фарзандлари олиб борган мардонавор курашлар мадҳ этилади.

Эзилган халқ томонидан кўтарилган Жиззах исёнида қатнашиб, инқилобий ҳаракатга даъват этгани учун Туркистон вилоятининг генерал губернатори томонидан 1916 йилнинг 3 ноябрида ўлимга ҳукм этилган марғилонлик жасур йигит Комил Йўлдошев ишини большевистик ташкилот топшириғи билан Фомич, Ҳадича Аминова, Аснавур полвон ва бошқа асл халқ фарзандлари томонидан озод этилгач, ўзининг бутун онгли ҳаётини инқилоб душманларидан қасос олиш учун курашга бағишлайди.

Милдатчиларнинг қабиҳ режаларини барбод этиш ва Абдулла қўрбоши тўдасига зарба бериш, Совет ҳокимияти аппаратига суқилиб кирган унсурларни фош қилиш Комил Йўлдошев бошлиқ махсус ҳарбий эскадрон зиммасига юклатилади.

Картинани томоша қиларканмиз, чекистларимиз инқилобнинг дастлабки йилларида нақадар мураккаб вазиятда ишлаб, турли хил туҳмат ва игволарни бартараф этганлигини чуқур ҳис қиламиз. Қаҳрамонлар характери турли вазиятдаги мураккаб ҳодисаларда очила боради. Ана шундай қизиқарли лавҳалардан бирини эслайлик: Катта, шинам хона. Чор амалдорлари, чет эл агентлари ва Абдулла қўрбоши бошлиқ босмачилар амир Саид Олимхон ҳузуридан келган элчилар ва «муҳтарам турк офицери»нн қабул қилишади. Граф фон Келлерга турк офицери формасидаги Комил Йўлдошев ўзини Бухоро амирининг шахсий гвардияси қўмондони Мустафо Фарид пошшо деб таништиради. Келлер билан Йўлдошев мулоқотини диққат билан кузатиб турган маккор Абдулла қўрбошининг кўзлари ола-була бўлади. У йигитларидан бирига аста шивирлайди:

— Тўйчи, танидингми!

— Бўлмасамчи...

— Битта ҳам ўқ отилмасин. Шовқин-суронсиз қўлга оламиз. Абдулла қўрбоши билан Тўйчи Комил Йўлдошевга яқинлашади. Қўрбоши нафрат тўла кўзларини тикиб, Йўлдошевдан сўрайди:

— Муҳтарам Мустафо Фарид пошшо жаноблари Бухоро шариф мусулмонлари соябонининг сиҳат-саломатликлари ҳақида қандай хушхабарлар келтирдилар-а?

Комил Йўлдошев ва Аснавур полвон жавобидан қаноат ҳосил қилмаган қўрбоши киноя билан мазах қилиб сирни ошкор қилади:

— Амир жанобларининг шахсий гвардияси лашкарбошиси тўн кийибдилар-у, соқол қўйишни унутибдиларда. ЧКангина ёмон ишлайди ўртоқ Йўлдошев.

Учрашувга пухта тайёргарлик билан келган жасур ва тадбиркор Йўлдошев Абдулла қўрбошига дадил жавоб қайтаради:

— Янглишяпсиз Абдулла қўрбоши. Ўнг томонга қаранг!

Унгга қараган қўрбошининг кўзи уй деразаларини сиздириб милтиқ ўқталиб турган эскадрон жангчиларига тушади. Чап томонда ҳам қуролли эскадрон жангчилари қозир бўлишади. Чекистлар билан юқорида пайдо бўлган Фомич саросимада долган унсурларга «Қуролларни ташланг!» дея буйруқ беради. Милатчилар ва Абдулла қўрбоши қуролларини ерга ташлашади, таслим бўлишади...

Картинада турлича характерга эга бўлган жуда кўп персонажларни учратамиз. Булар орасида халқ ишига содиқ чинакам инқилобчилар ҳам, ағдарилган синф вакиллари бўлган унсурларни ҳам, сотқинларни ҳам, хоинларни ҳам учратиш мумкин. Кўп қирали персонажлар орасида яна бир киши томошабинни беихтиёр ўзига ром этади. Бу — Аснавур полвон образидир. Бу образни «Осиё устида бўрон» бадиий фильмида Юсуфхўжа Ялантўш характерини зўр маҳорат билан талқин этиб томошабинлар ҳурмат ва олқишига сазовор бўлган улкан санъаткор, Совет Иттифоқи халқ артисти Шукур Бурҳонов ижросида кўрамиз. Шукур Бурҳонов талқинидаги халқ қассоскори Аснавур сиймосида жасур, хушчақчақ, меҳрибон, тадбиркор халқ қаҳрамонларининг ажойиб фазилатлари умумлашган.

Махсус ҳарбий эскадрон командири Комил Йўлдошев образини Мухтор Ғаниризаев талқинида кўрамиз. Бу актер томошабинларга таниш. У режиссёр Йўлдош Аъзамов постановка қилган «Олдин саҳифа» бадиий фильмида Комил Рустамов, «Сайёт қўнғироғи» фильмида волость шўросининг раиси Жумаев ролларини ўйнаган.

Режиссёр картинадаги бошқа ролларга ҳам талантли актёрларни танлаган Туркистон партия Марказий Комитетининг бюро аъзоси Ҳадича Аминова образини Қирғизистон ССР халқ артистка-си Бакен Кидикеева, турк-ман қизил ўқчилар отряди командири Қилич образини Туркманистонда хизмат кўрсатган артист Ортиқ Жалиев, аксилинқилобчи Амин Қориев образини Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳамза Умаров, маккор Худоёров образини Ўзбекистон ССР халқ артисти Аббос Бакиров ижро этишган. ЧК ходими Калинш Вятстекс чор армиясининг собиқ полковниги Викентий Вравецкий кийфасида унсурлар ичида иш олиб боради, уларнинг қабиҳ режаларини барбод этишда жасорат кўрсатади. Бу ролни артист Ю. Дидовик талқинида кўрамиз.

Самарқанддаги яширин бюро, вистин ташкилот раҳбари Фомич характери ҳам Ўзбекистон ССР халқ артисти Н. Балаев талқинида тўлақонли гавдаланган.

Картинанинг тасвирий ифода воситалари ранг-баранг. Оператор Мирон Пенсон асосий воқеалар ва наҳрамонлар қатти-ҳаракатларини лентага тушираркан, орқа пландаги кўринишларни ҳам эътибордан четда қолдирмайди.

Постановкачи-рассом Евгений Пушин инқилобий давр муҳитини яққол ва ишонарли гавдалантирмоқ учун натураларга мос эскизлар тайёрлаган. Икром Акбаров «Инқилоб чавандозлари» бадиий фильмида воқеаларнинг инқилобий руҳини, қаҳрамонлар кечинмаларн. фикр-ўйларини очиб беришга ва инқилобий руҳни кучайтиришга ҳамда берувчи оҳанграбо куй басталаган.

Фильм қатор ижобий фазилатлари билан бирга айрим нуқсонлардан ҳам холи эмас. Аввало шуни айтиш керакки, сценарийнинг суратга олиш жараёнида тубдан қайта ишланганлиги картинанинг сюжет яхлитлигига путур етказган. Фильмда иштирок этувчи персонажлар сони ҳаддан зиёда. Масалан: диндор, тақводор сотқин Худоёров қарорғоҳидаги қўлига тасбеҳ ушлаган имом, Дроздов, галой қиёфасидаги Леонов, Рибак, сотқин Юсуф, хоин Сунъат Толипов ва бошқа персонажлар воқеаларнинг ғоявий мазмунини очиб беришда унчалик катта роль ўйнамайди. Фильмдаги персонажлар тили ғализ. Диалоглар чўзилиб кетган.

Ана шу нуқсонлардан қатъи назар фильм Ўзбек кино санъатида кейинги даврда яратилган яхши тарихий-инқилобий фильмлар қаторидан муносиб ўрин эгаллайди.

С. ХЎЖАЕВ,
киношунос.

ХАТЛАРНИ ЎҚИБ...

Ҳозирги кунда бепоён мамлакатимизнинг ҳамма ерида улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик тантанасини меҳнатда, ўқишда ижтимоий ҳаётда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун буюк ҳаракат авж олиб кетган. «Андижон область кутубхоначилар коллективлари ҳам шарафли сана — доҳий туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан гайратларига гайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Коллектив ўзига олган юксак мажбуриятни шараф билан бажаргани учун яқинда республика кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди». Бу қувончли хабарни редакцияга Ленинск шаҳар халқ маорифи бўлимининг ходими **У. Раҳматуллаев** йўллаган. Қўлимизга яна бир хатни олиб кўрамиз. Уни Шеробод районидан **Н. Худоёров** ёзиб юборган. «Райондаги Белинский номли 28-ўрта мактабда В. И. Ленин юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳар бир синфда доҳийга атаб фотомонтаж чиқарилган. Устоз Ленининг ҳаётн ва кўпқин фаолиятига бағишланган кечалар ўтказилди. Шунингдек, дўстлик поездида Владимир Ильич Ленин яшаган жойларни бориб кўрган ветеран колхозчи Ўлаш Турабов билан учрашув уюштирилади. Мактаб территориясида қаҳрамон пионерларга атаб ҳайкал ўрнатилади».

Бундай хатлар редакцияга кўплаб келиб турибди. Уларда доҳий ғояларининг тантанавор кучи, совет тузуми туфайли ўлкамизнинг тобора гуллаб-яшнаб бораётгани тараннум этилади. Жиззахлик **М. Ерзикулов**, Фарғона областидан **М. Ҳайитбоев**, гулистонлик **З. Мадраимова**, Чуст районидан **Ж. Камолов**, гурланлик **Р. Йўлдошева**, Янгийўл районидан **Ж. Қораев**, Оржоникидзе районида истиқомат қилувчи педагог **С. Йўлдошоев**, Бўка районидан **Ж. Мирсолиев** ва бошқалар юборган хат-хабарлар ана шулар жумласига киради.

Нукуслик рассом **Николай Корнилов** ҳам редакцияга севинч тўла хат йўллабди. У ўз мактубига яна бир Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлган синфдоши Ўрозимбет Ҳолмуродовнинг ўзи чизган эскиз расмини ҳам қўшиб юборибди. Бундан уч йил илгари Ўрозимбет ота Устюртга қишган машаққатли хизмат сафаридан қайтиб келгандан сўнг рассом билан учрашган экан. Ўшанда у нажот кутиб ётган бир геологнинг ҳаётини сақлаб қолган экан. Н. Корнилов ўз хатида халол меҳнат қилган кишиларимизни муносиб тақдирлаган партия ва ҳукуматимиздан чексиз миннатдор эканлигини изҳор қилади.

Шифокорлардан мамнун бўлиб ёзилган хатлар редакцияга бошқа мактубларга қараганда ҳам кўпроқ келади. Бу — табиий. Чунки шифокорлар — инсон учун энг қадрли нарса бўлган ҳаёт ва соғлиқнинг қўриқчиларидир. Самарқанд областидан **Т. Исаев**, гошкентлик **Я. Ҳотамов**, Урганч шаҳридан яшовчи **А. Эшматов**, шофирконлик **Н. Файзиев**, Қўқон шаҳридан **Н. Абдуллаева**, тошкентлик **О. Сотимов**, Олтиариқ район «Пахта учун» газетасининг редактори **Т. Азизов**, наманганлик **Р. Ғайбуллаева**, Самарқанд областидан **Қ. Салимов** ва бошқалар юборган материалларда соғлиқ посбонлари бажараётган улкан, олижаноб ишнинг мураккаблиги, кишилар учун одам-олам қувонч бахш этаётгани ҳақида фикр юритилади.

Лекин, шу билан бирга, ўз касбига совуққонлик билан қарайдиган, шифокор деган улуғ номга доғ тушираётган медчцина ходимлари ҳақида ҳам ора-сира шикоят хатлари келиб туради. Ана шундай мактубларнинг бирини Қашқадарё область қишлоқ хўжалик бошқармасининг ходими **Б. Бекмуродов** ёзиб юборган. Ўз хатида у Косон районидаги Ленин номли колхознинг Сайёд ва Шербек қишлоқлари аҳолиси учун хизмат қилаётган фельдшер Хушвайт Муродовнинг ўз ишига нисбатан совуққонлик билан қарашини танқид қилади. «...Қачон борсангиз, медпункт эшиги берк турганини кўрасиз,—деб ёзади у.—Яқинда йўлимиз тушиб шу қишлоқда бўлдик. Медпункт эшиги олдида икки аёл ўтиришди Ўзардан бири — Момагул Чориева бизга шундай деди:

—Эрталабдан бери кутяпмиз Мана кўриб турибсизлар, вақт пешин бўлиб қолди. Болам касал, докторга кўрсатай деб келган эдим, ҳамон йўқ. Ҳар доим аҳвол шу.

Аёллар ҳақ! Ҳувайтнинг уйига одам юборди. У уйида экан. Медпунктни нега очмаганини сўрасак, пинагини ҳам бузмайди. Район соғлиқни сақлаш бўлимининг раҳбарлари бундай боқибеғам «шифокор»ларни таргибга чақириб қўйиши керак».

Дарҳақиқат, шундай! Ўз зиммасига юклатилган бурчни кўнгилдагидек адо этмайдиган, кишиларни, уларнинг қимматли вақтларини қадрламайдиган «кишилар шифокор деган номга доғ тушираётган» шифокорлар бундай боқибеғам «шифокор»ларни таргибга чақириб қўйиши керак.

Дарҳақиқат, шундай! Ўз зиммасига юклатилган бурчни кўнгилдагидек адо этмайдиган, кишиларни, уларнинг қимматли вақтларини қадрламайдиган «кишилар шифокор деган номга доғ тушираётган» шифокорлар бундай боқибеғам «шифокор»ларни таргибга чақириб қўйиши керак.

Ёзилган хатлар редакцияга бошқа мактубларга қараганда ҳам кўпроқ келади. Бу — табиий. Чунки шифокорлар — инсон учун энг қадрли нарса бўлган ҳаёт ва соғлиқнинг қўриқчиларидир. Самарқанд областидан **Т. Исаев**, гошкентлик **Я. Ҳотамов**, Урганч шаҳридан яшовчи **А. Эшматов**, шофирконлик **Н. Файзиев**, Қўқон шаҳридан **Н. Абдуллаева**, тошкентлик **О. Сотимов**, Олтиариқ район «Пахта учун» газетасининг редактори **Т. Азизов**, наманганлик **Р. Ғайбуллаева**, Самарқанд областидан **Қ. Салимов** ва бошқалар юборган материалларда соғлиқ посбонлари бажараётган улкан, олижаноб ишнинг мураккаблиги, кишилар учун одам-олам қувонч бахш этаётгани ҳақида фикр юритилади.

Лекин, шу билан бирга, ўз касбига совуққонлик билан қарайдиган, шифокор деган улуғ номга доғ тушираётган медчцина ходимлари ҳақида ҳам ора-сира шикоят хатлари келиб туради. Ана шундай мактубларнинг бирини Қашқадарё область қишлоқ хўжалик бошқармасининг ходими **Б. Бекмуродов** ёзиб юборган. Ўз хатида у Косон районидаги Ленин номли колхознинг Сайёд ва Шербек қишлоқлари аҳолиси учун хизмат қилаётган фельдшер Хушвайт Муродовнинг ўз ишига нисбатан совуққонлик билан қарашини танқид қилади. «...Қачон борсангиз, медпункт эшиги берк турганини кўрасиз,—деб ёзади у.—Яқинда йўлимиз тушиб шу қишлоқда бўлдик. Медпункт эшиги олдида икки аёл ўтиришди Ўзардан бири — Момагул Чориева бизга шундай деди:

—Эрталабдан бери кутяпмиз Мана кўриб турибсизлар, вақт пешин бўлиб қолди. Болам касал, докторга кўрсатай деб келган эдим, ҳамон йўқ. Ҳар доим аҳвол шу.

Аёллар ҳақ! Ҳувайтнинг уйига одам юборди. У уйида экан. Медпунктни нега очмаганини сўрасак, пинагини ҳам бузмайди. Район соғлиқни сақлаш бўлимининг раҳбарлари бундай боқибеғам «шифокор»ларни таргибга чақириб қўйиши керак.

Янгиликлар, ХУШХАБАРЛАР

● УРУҒЛИК ЧИГИТ ТАШИБ ОЛИНДИ

Сурхондарё колхоз ва совхозларига уруғлик чигитнинг дастлабки турнуми келтирилди. Бу йил областда пахтанинг ингичка толали навлари анча кўп майдонга экилади. Бу навлар учун ўтган йилгига қараганда 4,5 минг гектар кўп ер ажратилди. Термиз ва Жарқўрғон районларининг далаларида «С-6030» нав чигит биринчи марта экилади. Бу чигитнинг пахтаси Ўзбекистон жанубида экиб келинаётган бошқа навларга қараганда тез пишиши, ҳосилдорлиги ва толасининг сифати жиҳатидан анча устун туради.

● ДОҲИЙ МЕРОСИ УРГАНИЛМОҚДА

Тошкент давлат университети ўқитувчилари ва ходимларидан мингдан ортиқ киши Ленинининг назарий меросини атрофлича ўрганмоқда. Улар семинар машғулотларида марксизм-ленинизм назариясининг шу муаллимлар асосий ихтисосига бевосита алоқадор бўлган айрим проблемаларини тез-тез муҳокама қилиб турадилар. Университет коммунистларининг ташаббуси билан мавжуд ўқув системасига қўшимча равишда ҳозирги замон бурнуа идеологиясини танқид қилишга бағишланган лекциялар турнуми ўқила бошланди.

Жуда кўп иши тўпланган биринчи машғулотни доцент Г. А. Ҳидоятов бошлаб берди. У «Ўзбекистон тарихини сохталаштирувчи бурнуа қаллобларини танқид» деган мавзуда лекция ўқиди.

АХБОРОТ

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

● ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА — КОНКУРС

Улуғ доҳий Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан, Ўзбекистон Савдо палатаси энг яхши ёдгорлик ва совға буюмлари учун очиқ конкурс эълон қилди. Шу йилнинг мартидан декабрь ойигача давом этадиган бу конкурсга республикадаги турли мутахассислар, корхона коллективлари, конструкторлар, ижодий Союзлар ва айрим моҳир уста-ҳунармандларнинг қатнашишлари кўзда тутилади. Конкурсга юбориладиган ёдгорлик ва совға буюмларида Ленининг кўп қиррали революцион фаолияти, халқларнинг унга бўлган чексиз муҳаббати ўз ифодасини топиши керак.

Конкурсга келган энг яхши буюмлар учун қуйидаги мукофотлар белгиланади. Иккита — 300 сўмлик биринчи, учта—200 сўмлик иккинчи, бешта—100 сўмлик учинчи ва ўнта—50 сўмлик рағбатлантирувчи.

● МАШИНАЛАР МУБОРАК

30 тийинга машина ютуғи. Омад деб шуни айтсалар керак-да. Бу омади келганлар ким экан дейсизми? Марҳамат танишинг. А. Халилов — Фарғона область, Ленинград районидаги Киров номли колхоз аъзоси, М. Қодиров—республика Молия министрлигининг Тошкент область контроль ревизия бошқармаси ходими ва Ф. Зайниддинов—Тошкент область, «Қизил Ўзбекистон» колхозининг шофери. Улар шу йилги биринчи чиқарилиш Ўзбекистон пул-буюм лотереясининг 01162 (191), 14039 (25) ва 02554 (021) номерли билетларига «Волга», «Запорожец» енгил машиналари ютуғи олишди.

М. ЯЛДОШЕВ.
М. ЖЎРАЕВ,
Ю. ЗИЕДОВ.

● САМАРҚАНДНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА

Бу йил қадимий ва гўзал шаҳар Самарқанднинг икки минг беш юз йиллик юбилейи тантанали нишонланади. Минг йилликларни эслатиб турувчи музей шаҳар тўйига кўрилаётган қизғин тайёргарлик ишларига, республикамиз аloқа ходимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишга қарор қилишди. Улар аҳолига бўлган аloқа хизматини тағин ҳам яхшилаш билан бирга, Гўри Амир мақбараси, Бибихоним масжиди, Самарқанд опера ва балет театри, Улуғбек мадрасаси, Шоҳи Зинда ансамбли ва шунга ўхшаш ёдгорликларни чиройли тасвирлари ифодаланган янги расмлар, конвертлар, маркаларни кўплаб ишлаб чиқаришади.

М. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

● МЕДАЛЛАР ТОПШИРИЛДИ

Яқинда Қорақалпоғистон АССР, Тўрткўл районидаги «Қирқизобод» колхоз клубида катта йиғин бўлди. Бу ерда, ҳозирги вақтда пахтакорлик, чорвадорлик ва механизаторлик касбларини пухта эгаллаб меҳнат қилишаётган азаматларга, халқимиз ва бахтимизни деб Улуғ Ватан уруши фронтларида душман билан юзма-юз олишган собиқ ўзбек жангчилари — ветеранларга юбилей медалларини топшириш маросими ўтказилди. Район Ҳарбий комиссариати ходими Ки Син 40 дан ортиқ кишига медалларни тантанали равишда топширди.

Б. ДУСТЧОНОВ.

● ЗАВОД КИНОСТУДИЯСИ

Урганчдаги «Қизил Октябрь», ёғ-совун заводида ҳаваскорлик киностудияси ишга тушди. Хоразм телестудияси оператори Вадим Соловьев корхонадаги талантли ҳаваскорлардан 12 кишини студияга жалб қилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатди.

Завод электр цехи бошлиғи, бош оператор Оллоберган Раҳимов, ассистент Пўлат Ҳамроев ва бошқа талантли ҳаваскорлар яратган биринчи 10 минутлик киножурналда, корхона коллективининг ленинча меҳнат вахтаси, НОТ, унумдорликни ошириш, рационализаторлар фаолияти ва бошқа масалалар ёритилди.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратда: бош оператор О. Раҳимов ва унинг ёрдамчиси П. Ҳамроев.



Исроил урушқоқлари араб мамлакатларига қарши қуролли нигоҳарликларини давом эттирмоқдалар. Улар шаҳар ва қишлоқларнинг тинч аҳолисини тўплардан ўққа тутмоқдалар, бомбардимон қилмоқдалар. Чапдаги суратда: Иорданиянинг Карам шаҳрида Исроил босқинчилари ҳужумидан кейин қолган вайронани кўриб турибсиз.

Б. Уронов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

◆

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. ЭКГ.6 совет экскаватори ва совет самосвалларн Куанг Ниндаги кўмир конларида (ўнгдаги сурат) кенг қўлланилмоқда.

ВИА—ТАСС фотоси.

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН ДЕБ...

Қуролсизланиш масалалари билан шуғулланувчи 18 давлат комитети Женевадаги миллатлар саройида яна ишга киришди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти замонамизнинг кечиктириб бўлмайдиган проблемаларидан бирини ҳал этишга ёрдам бериш учун 18 лар комитетини ташкил этган эди. Жаҳон жамоатчилиги бу органнинг ишини зўр эътибор билан кузатиб турибди.

Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг тайёрланганлиги бу комитетнинг катта ютуғидир. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг изчиллик билан қилган ҳаракатлари туфайли қуролсизланиш учун курашда ана шу муваффақиятни қўлга киритиш имконияти туғилди. Барча тинчликсевар халқлар уларнинг бу ҳаракатларини қўллаб-қувватладилар.

80 дан ортиқ давлат ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани имзолади. Аммо Ғарбий Германия, Исроил, Япония ва бошқа баъзи мамлакатлар шу вақтгача шартномани имзолаганлари йўқ. Бошидаги ҳукмрон доиралар ядро қуролини қўлга олиш учун ҳали ҳам уринмоқдалар. Тинчликни мустаҳкамлаш ва ядро ҳалокати хавфини йўқотиш манфаатлари ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани тезликда амалга оширишни талаб этмоқда.

Аммо халқларнинг зиммасига жуда оғир юк бўлиб тушган қуроллаиш пойгасини тўхтатиш учун шунинг ўзигина кифоя эмас. Янги халқаро битимларни тузиш, шу жумладан ядро қуролини тарқ этиш каби ҳаётий муҳим соҳада ҳам битим тузиш зарур.

Совет Иттифоқи ана шу ғоят муҳим вазифани тезликда ҳал этиш ташаббускори бўлиб майдонга чиқди. Совет ҳукумати ўтган йилнинг 1 июлидаёқ «Қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган баъзи тадбирлар тўғрисида»ги меморандумни эълон қилган эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси ана шу муҳим ҳужжатни муҳокама қилди ва уни 18 лар комитетининг муҳокамасига қўйди.

Совет меморандумида бир қанча конкрет тадбирлар кўрсатилган. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши уруш хавфини камайтиришга ва жаҳон термоядро уруши хавфининг олдини олишга ёрдам берган бўлур эди. Ядро қуролини ишлатишни тақиқлаш тўғрисидаги масала ана шу тадбирлар орасида биринчи ўринда турибди. Совет ҳукуматининг атом ва водород бомбалари ишлаб чиқаришни тақиқлаш ҳамда уларнинг ҳамма запасларини тугатиш ҳақидаги тақлифининг амалга оширилиши ядро уруши хавфини бартараф қилиш проблемасини тубдан ҳал этишга кўмаклашган бўлур эди. Совет меморандумида кўзда тутилган бошқа тадбирлар, масалан, стратегик қуролни элтиб бериш воситаларини чеклаш ва сўнгра камайтириш, химиявий ва бактериологик қуролнинг тақиқланишини таъминлаш чоралари ва шу сингари бошқа тадбирлар ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Совет Иттифоқи 18 лар комитетн ишга киришган биринчи кундаёқ яна бир муҳим ташаббус кўрсатди. СССР вакили А. А. Рошчин Совет ҳукуматининг таклифига биноан денгиз ва океанларнинг остидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини 18 лар комитетининг муҳокамасига қўйди. Қуролсизланиш соҳасидаги ана шу тадбирнинг амалга оширилиши денгизларни тинчлик мақсадларида ўзлаштириш соҳасида халқаро майдонда муваффақиятли ҳамкорлик қилиш учун замин тайёрлаб берган бўлур эди. (ТАСС).

НАТОНИНГ ЎРТА ДЕНГИЗДАГИ ИҒВОЛАРИ

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

17 мартда Туркиянинг жанубий ва Ғарби-Жанубий соҳиллари яқинида, Родос оролларн ва Эгей денгизи оролларн районида НАТОнинг ҳарбий денгиз маневрлари бошланди. Бу маневрларда Қўшма Штатлар, Англия, Италия Туркия ва Грециянинг ҳарбий кемалари қатнашмоқда. НАТО стратеглари 28 мартгача давом этадиган ана шу катта машқлар жарабида ўзининг Ўрта денгиздаги шарқий қанотини мустаҳкамлашни кўзда тутмоқдалар.

Ана шу янги иғвогарликнинг агрессив мақсадларн кўзда тутганлиги Ўрта денгиз бўйидаги мамлакатларнинг жамоатчилигини жиддий ташвишга солмоқда. Ўрта денгиз жанглари ваҳфасини кўпдан-кўп ўз зиммасига олган Америкаиинг 6-флоти ва НАТО да аъзо бўлган ҳамда АҚШ билан боғланган бошқа мамлакатларнинг флотлари ер курраснинг ана шу «қизғин» районида вазиятни кескинлаштираётганлиги тасодифий бир ҳол эмас. Империалистлар ўзининг қуролли «учларини» намойиш қилиш билан Яқин Шарқ халқларини чўчитишга умид боғламоқдалар.

НАТОнинг маневрлари Исроил агрессорларини янги найрангларга рағбатлантиради. Денгизда НАТО тўпларидан отилган ўқ садолари Мисрнинг Товфиқ ва Сувайш порт шаҳарларини ўққа тутаётган Исроил тўпларининг садолари билан қўшилишиб кетмоқда.

Қўшма Штатлар Ўрта денгизнинг ғарбий қисмида ҳам ҳарбий тайёргарликни кучайтирмоқда. «Ҳавфсизлик» тўғрисидаги шартноманинг муддатини узайтириш тўғрисида Америка Испания музокаралари яқинда бошланажаги ўтган ҳафтада Вашингтонда эълон қилинди. Ана шу шартномага мувофиқ Пентагон «Поларис» ракеталари билан қуролланган атом сув ости кемаларига хизмат қилувчи Ротадаги ҳарбий денгиз базасини ва Торрехон Де Ардоздаги атом бомбардимончи самолётлари жойлашган ҳарбий денгиз базасини ўз қўлида сақлаб келмоқда.

Ўрта денгиз бўйидаги мамлакатларнинг халқлари Қўшма Штатларнинг ва НАТОнинг янги ҳарбий тайёргарлигини кескин суратда қораламоқдадар. 19 мартда Италияда оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Терни шаҳрида ўтказилган митингда сўзга чиққан нотиқлар Италия Америкаиинг ҳарбий базаси бўлиб қолмаслиги керак ва Италия жаҳондаги энг реакцион мамлакатлар — Испания, Греция, Португалия ва Германия Федератив Республикаси билан иттифоқ бўлмаслиги керак, деб таъкидладилар. Ўрта денгиз бўйидаги бошқа мамлакатларнинг жамоатчилиги ҳам шу кунларда бундай намойиш ва митингларни ўтказмоқдалар. Улар НАТО раҳбарларининг ана шу районда кескинликни кучайтиришларига қарши норозилик билдирмоқдалар.

Г. ШИШКИН.
(ТАСС).

Бангида сув тошқини

БАНГИ. (ТАСС). Марказий Африка Республикасининг пойтахтида мисли кўрилмаган тропик жала ёғиб, сув тошқини рўй берди. Асосан гувалак уйлардан иборат баъзи маҳаллаларга каттагина моддий зарар етказилди.

Об-ҳаво хизмати мамлакатнинг қарийб бутун территориясида доимо жала қуйиб туришини маълум қилмоқда. Емғир ҳозир мамлакатнинг пахта териш ва топшириш авжи қизиган пахтачилик районларига катта зарар етказиши мумкин.

СУРИЯДА СЕЛ

ДАМАЩҚ. (ТАСС). Сурия пойтахтидан оқиб ўтувчи Барада дарёси тошиб, кўчаларни бутана сувга тўлдирди. Бунга кучли сел ёғиши сабаб бўлди. Қутқарув командалари Дамащқ марказидаги бинолардинг сув босган ертўлаларидан сувни чиқариб ташламоқда.

ВДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ҲАНОЙ. (ТАСС). Бу ерда ВДР ташқи ишлар министрлигининг вакили баёнот берди. Унда айтилишн, 20 март куни Америка самолётлари Куангбин вилоятидаги Миньхоа районига яна фугас ва золдирли бомбалар ташлаганлар ва ракета ёғдирганлар. Бунинг натижасида кишилар қурбон бўлди ва моддий зарар етказилди.

Айни маҳалда АҚШ қўшинлари Сайгондан ғарбшимолда ўтказаётган операция, Америка агентликларининг баҳо беришича, АҚШнинг Жанубий Вьетнамда олиб бораётган урушидаги энг катта операция бўлса эҳтимол.

Бу ҳарбий ҳаракатлар, деди вакил, АҚШ ҳамон Вьетнамда агрессив ниятларида қаттиқ турганлигидан, ВДРнинг суверенитети ва хавфсизлигига тажовуз қилишни ҳамда Жанубий Вьетнамдаги агрессив урушни кучайтириб бораётганлигидан далолат беради.

ВДР ҳукумати, деб таъкидлади ташқи ишлар министрлигининг вакили, АҚШнинг мазкур таҳликали ҳарбий ҳаракатлари муносабати билан қаттиқ норозилик билдиради ҳамда АҚШ ВДРнинг суверенитети ва хавфсизлигига тажовуз қилишдан воз кечсин, Жанубий Вьетнамдаги агрессиясини тўхтатсин, Жанубий Вьетнам халқи ўз ички ишларини чет давлатлар аралашувисиз Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти сиёсий программасига мувофиқ ҳал қилмоғи учун АҚШ ўз қўшинлари ва малайларининг қўшинларини тўлатўкис ва сўзсиз олиб чиқиб кетсин, деб қатъий талаб қилади.

ХОККЕЙ

ҒАЛАБАКУ, АММО...

Швеция пойтахти Стокгольмда ўтказилаётган бу йилги жаҳон чемпионати мусобақаларининг биринчи давраси Финляндия—АҚШ командалари ўртасидаги учрашув билан якунланди.

Шанба кунидаги бу учрашувда Финляндия хоккейчилари рақиблар дарвозасига 4 шайба киритиб, биринчи марта ғалабага эришдилар. Америка ўйинчиларининг бу гал ҳам омадлари келмай, беш ўйинда беш мағлубият билан очкосиз қолишди.

Иккинчи давраии ҳар бири саккизтадан очкога эга бўлган кучли командалар—СССР, ЧССР ва Швеция ўйинчилари бошлашди. Якшанба куни ўтказилган уч ўйинда бу командалар АҚШ, Канада ва Финляндия хоккейчилари билан учрашиб 8:4, 3:2 ва 5:0 ҳисобида ғалабани қўлга киритдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, мамлакатимиз терма командаси АҚШ ўйинчилари билан бўлган бу олишувда муҳлислар кутганидек мароқли ўйнашмади, рақиблар эса аксинча зўр ғайрат ва ташаббус билан ҳаракат қилдилар. Ўйинчиларимиз ҳозир, киритилган шайбалар сонининг кўплиги билангина пешқадамлик қилмоқда, кейинги учрашувларда ҳам шундай ҳаракат қилишса, муҳлисларни ташвишга солиб қўйишлари мумкин. Олдинда ҳали масъулиятли ва қизғин учрашувлар турибди.

Ўйинлар жадвалининг 23 мартдаги кўриниши қуйидагича.

Команда	У.	Ю.	М.	Ш.	О.
СССР	6	5	1	42—12	10
Швеция	6	5	1	28—10	10
ЧССР	6	5	1	25—12	10
Канада	6	2	4	15—21	4
Финляндия	6	1	5	13—32	2
АҚШ	6	0	6	14—50	0

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Бухоро областининг шимолий районларида ёғингарчилик бўлмайди, қолган жойларда эса ёғингарчилик бўлади. Шимол томондан секундига 10, айрим ерларда 15 метргача шамол эсади. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Бухорониинг шимолий районларида 3 даража совуқ билан 2 даража иссиқ бўлади. Бошқа областларда 0,5, жанубда 7 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ёмғир ёғади, шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-4 даража совуқ, кундузи 2-4 даража иссиқ бўлади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Томошалар. Эълонлар. Рекламалар.

РАДИО БУГУН

8.25 — Куйлар, 9.30—С. Бобоев. «Ўзбекистон пахтакорлари» кантатаси, 11.15 — «Фан ва техника оламида». 11.30 — А. Козловский. «Лола» сюитаси, 12.45—«Замондошларимиз» (русча), 13.30 — Г. Великанова ва Е. Кибкало куйлайди. 15.15 — «Ўзбек совет адабиётининг равнақи», 16.10 — «Чет эл классик куйлари танланган саҳифалари». Р. Вагнер, 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 18.00 — «Меҳнат унумдорлигини ошириш — муҳим масала» (русча), 18.10 — Қўшиқлар, 18.40 — Спорт, 19.20—«Нурхон» музикали драмасидан парчалар, 20.00 — «Ёшлик» программаси, 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Концерт. 21.30 — «Лениниана» программаси (русча), 22.20 — Лирик куйлар, 22.40 — Ленин ҳақида ҳикоялар 23.15 — Дам олиш концерти.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

УҚУВЧИЛАРНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

10.55 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 11.00 — Қувноқ симлар (кинофильм), 11.15—Концерт (болалар учун), 11.50 — Тиканли қалъа (иккинчи ва учинчи серияларн).

13.00 дан—Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Телеэнгилликлар, 18.15 — Хазнча изловчилар (мультфильм). 18.25 — Стандарт—давлат нормаси, 18.55 — Реклама, 19.05 — Сирли девор (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.35 — Ун минут музика, 20.45 — «Пропагандист» (тележурнал), 21.15 — Газалхон ёшлигим («Ёшлик» кўрсатади), 22.15 — Телеэнгилликлар, 22.30 — Музикани қандай тинглаймоқ керак. Романс.

23.30 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.45 дан—Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — Олмаота телестудиясининг кўрсатишлари.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Симфоник оркестр чолғу асбоблари, 20.40 — Совет Иттифоқи ёнилғи электр станциялари (илмий-оммабоп фильм).

Рус тилида: 21.10 — Мен 19 ёшда эдим (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 25/III да Зулматдан зиё (кундузи), Спартак (кечқуруи).

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/III да Бой ила хизматчи (кундуз ва кечқуруи).

КИНО

Революция чавандозлари — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Бир киши ортиқча — «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 2, 4 ва кеч 6 да).

Ёшлик-бебошлик — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруи).

Асримиздан миллион йил илгари — «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи).

Кашмирдаги севги (1, 2-серия-лар) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 8 да).

Барабанчининг тақдири — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да).

«НЕФТЕПРОВОДМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ 9-МАХСУСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАСИГА

Урта Осиё—Марказ ва Майское—Ашхобод газопровод қурилишларида ишлаш учун

5,6 разрядли дипломли электр пайвандчилар, ТО-12.24 кранида ишлаш учун трактор-ли кранлар машинистлари, Э-10011 кранида ишлаш учун автокранчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Коган шаҳри, Бухоро области.

АШХОБОД ШАҲРИДА
30 МАРТДА
1966 йилда чиқарилган
3% ЛИ
Давлат ички ютуқлар заёмининг
22-ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тиражда заёмнинг ҳар бир разрядига умумий суммаси 512560 сўмлик 9400 ютуқ бор. Шу жумладан: 5000, 1000, 500, 100, 40 сўмлик ютуқлар ўйналади

Заём облигацияларини сотиб олинг!

«Совет Ўзбекистони» газетасининг коллективи редакция ходими Т. Рўзибоевга қизи

МУНАВВАРнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 28. Редактор — 836545, Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323. Масъул секретарь — 834455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283, Партия турмуши — 833489, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 831216, Халқаро ҳаёт — 837604, Коммунистик тарбия — 831455, Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 834780, Совет қурилиши — 833258, Қишлоқ хўжалиги — 837604, Адабиёт ва санъат — 832036, 837221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 832347, Оммавий ишлар ва хатлар — 838679, 833553, Илюстрация — 834524, Стенографистка — 837343, Корректура — 837162, Эълонлар — 838142, Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон — 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 22—62, Наманган 21—88, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55

№ Б. — 71. Ўзбекисто. Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 01230.